Huquqiy mafkura-bu huquqiy borliq to'g'risidagi, qarashlar, tushunchalar, e'tiqod, konsepsiylar, nazariyalardir

Huquqiy mafkura konkret huquqiy hodisalar to'g'risidagi va ilmiy darajadagi tizimlashtirilgan bilimlar yig'indisi.

Huquqiy ruhiyat-ong doirasida huquqiy hodisalar bilan bog'liq holda, ongda yuzaga keladigan va unga singib ketadigan, kechinmalar sohasini ifodalaydi. Huquqiy ruhiyat-huquqiy hodisalarni hissiyot bilan tiklash sohasidir. Odam hissiz, o'z o'zidan o'yamasdan fikr qilmaydigan mashina emas, u nafaqat fikr qiladigan, balki sezadigan tirik zotdir. Shuning uchun, u ijtimoiy hodisalarni, jumladan huquqiy hodisalarni ham, nafaqat aql bilan, balki sezgi bilan ham tushunib yetadi.

Huquqiy hodisalarni tushunib yetish jarayoni odamning ishtirokisiz rivojlana olmaydi, shu sababli unda tabiiy tarzda g'oyaviy va hissiy jarayonlar qo'shib, chatishib ketadi. Odam o'zining ruhiy holatiga ko'ra huquqni oyoq osti qilish, noqonuniylik, zulm va inson erkini kamsitish bilan bog'liq salbiy huquqiy voqeliklarga befarq, loqayd qola olmaydi. Uning huquqiy kechinmalari va kayfiyati g'azab qahr va norozilik sezgilarida namoyon bo'lib, ijtimoiy-huquqiy hayotning manfiy hodisalarga tanqidiy qarash uchun hissiy asos yarata borib, insonparvarlik g'oyalari negizida, odamda qayta tuzishga intilish tug'diradi.

Huquqiy ongning tuzilishi tahlili, bir tomondan, xuquqiy mafkura va huquqiy ruhiyat kabi uning tabiiy-tarkibiy qismlarining o'zaro ta'siri tabiatini va o'zaro nisbatini ochadi, boshqa tomondan, ijtimoiy hayotda butun hodisa sifatida uning vazifasini ochib berishga yordamlashadi.

Huquqiy ong faqatgina huquqiy normalarni va qoidalarni vujudga keltirish sababchisi bo'lib qolmasdan, balki uning bajarilishini ta'minlashning ma'naviy negizini yaratish vazifasini bajaradi. U qonunchilik tashabbusining, huquq ijodkorligining, huquqni takomillashtirishning, xuquqni tatbiq qilishning va qonunchilikni mustahkamlashning muhim omilidir. Qonun yaratish jarayonida jamoat tashkilotlari va mehnatkash omma ishtirokining kengayishi huquqiy ongning bu ishga aktiv ta'siri ostida amalga oshadi. Huquqiy ongga amaldagi qonunlar tizimi va qonunchilikni mustahkamlash faoliyati va amaliyoti ta'sir etadi.

Foydalilanigan adabiyotlar ro'yxati

1. Davlat va huquq nazariyasi. Mas'ul muharrirlar H.B.Boboyev, H.T.Odilqoriyev -T.: "Iqtisodiyot va huquq dunyosi" nashriyot uyi, 2000.-.
2. Islomov Z.M. Davlat va huquqning umumnazariy muammolari:huquqni tushunish, huquqiy ong va huquq ijodkorligi. T.:TDYUI,2005. –187b.
3. Odilqoriyev X. Konstitutsiya va fuqarolik jamiyati. –T.: Sharq, 2002.-320 b.
4. Saidov A.X., Tadjixanov U., Toshqulov J.O'. Mustaqillik va huquqiy mafkura. T., 1995. -117 b.
5. Xalilov E.H. Ijtimoiy turmushda huquqiy ongning o'rni. Pravosoznaniye v strukture obshestvennoy jizni.-T.: O'zbekiston, 1997. –48 b.
6. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 9-yanvardagi "Jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish tizimini tubdan takomillashtirish to'g'risida"gi PF-5618-sonli farmoni. QHMMB: 06/19/5618/2452-son 10.01.2019 y.



**YOSHLAR ONGIGA JAHOLATGA QARSHI MA'RIFAT TUYG'ULARINI
SINGDIRISH**

Abdiraximov Behruz Ozatboyevich

Xorazm viloyati Gurlan tumani
28-umumi o'rta ta'lif maktabi
Tarbiya va huquq fani o'qituvchisi

Annotatsiya: Ushbu maqolada bugungi globallashuv zamonida yoshlar ongida paydo bo'layotgan yot g'oyalarga qarshi ma'rifat tuyg'ularini singdirish orqali ularaga to'g'ri yo'l ko'rsatish kerakligi haqida mulohaza yuritilgan.

Kalit so'zlar: yoshlar, ong, g'oja, fikr, ma'rifat, jaholat, tahdid, din, millat, vatan.

Ma'lumki, biz yangilanish, tafakkur va fikr erkinligi, erkin ijod qilish, o'z qobiliyat va iqtidormizni ro'yobga chiqarishga har qachongidanda ko'proq imkoniyat yaratilgan bir davrda yashayapmiz. Afsuski, bunday erkinlikni hamma ham to'g'ri qabul qilavermaydi, o'z faoliyatini ezgu ishlarga safarbar etavermaydi. Tabiiyki, bu jarayonda insoniyatning azaliy dushmani bo'lgan nafs ofati bashariyat yo'liga har qachongidanda ko'proq g'ov bo'ladi. Ana shunday murakkab bir sharoitda prezidentimiz ta'kidlaganlaridek, "Jaholatga qarshi ma'rifat" quroli sifatida xizmat qiluvchi, ajdodlarimizdan bizgacha yetib kelgan boy ma'naviy meros o'ziga xos najot qal'asi, himoya qo'rg'oni vazifasini o'taydi.

Jaholat-so'zi arab tilidan olingen bo'lib *nodonlik, aqslizlik, ilmsizlik* ma'nolarini anglatса, ma'rifat- esa arab tilidan olingen bo'lib *bilim, fan, ma'lumot, tanishish* ma'nolarini anglatади. Bugun jaholat turli ko'rinishlarda o'zini namoyon qilmoqда. Shulardan biri, diniy bilimsizlikdir. Diniy savodi past bo'lgan kishilar o'zlarini islom dinining jonkuyarlari qilib ko'rsatuvchi, aslida esa, hokimiyatni egallashni maqsad qilib qo'yan turli oqim vakillarining quruq va'dalariga al-danib qolmoqdalar. Bunday bilimsizlikning oldini olishga davlatimiz katta e'tibor qaratmoqда. Jaholatga qarshi ma'rifat bilan kurashish borasida aniq amaliy ishlar qilinayotgani buning yorqin ifodasidir.

Ma'naviy tahdid deganda, avvalo, tili, dini, millati, e'tiqodidan qat'i nazar, har qaysi odamning tom ma'nodagi erkin inson bo'lib yashashiga qarshi qaratilgan, uning aynan ruhiy dunyosini izdan chiqarish maqsadini ko'zda tutadigan mafkuraviy, g'oyaviy va informatsion xurujlarni nazarda tutish lozim. Agarki masalaga amaliy ko'z bilan qaraydigan bo'lsak, ma'naviyatimizga qarshi qaratilgan har qanday xuruj- bu millatimizni millat qiladigan, asrlar, ming yillar davomida ajdoddalar avlodlarga o'tib kelayotgan o'ziga xos va o'ziga mos xususiyatlarga, milliy g'urur, milliyiftixor tuyg'usiga, bizni doimiy ravishda tadrijiy taraqqiyotga chorlaydigan, shu yo'ldagi barcha asorat va illatlardan xalos bo'lib, ozod va farovon hayot barpo etishdek ezgu maqsadlarimizga katta zarba beradigan mudhish xavf-xatarlarni anglatadi.

Muqaddas dinimizda, shuningdek, ajdodlarimiz ma'naviy kamoloti in'ikosi sifatida dunyoga kelgan tasavvuf ta'limotida ham bu masalaga murojaat etilar ekan, ilm-ma'rifatning najot farishtasi ekanligi takror-takror uqtirilganligiga guvoh bo'lamic. Tasavvuf ta'limotining kasb-hunar o'rganish, tijorat va boshqa turdag'i tadbirkorlik ishlari bilan bog'liq masalalardagi eng ilg'or bunyodkor g'oyalari bugun ham o'z qiyamatini yo'qotmay, insoniyat kamolotiga xizmat qilib kelmoqда. Binobarin Bahouddin Naqshbandning "Diling Alloha, qo'ling mehnatda bo'lsin", degan hayot-baxsh hikmati dinimizning olyjanob ma'no-mohiyatini yorqin ifodalab, xuddiki shu bugun aytigandek jaranglaydi, uning mohiyatida ham ana o'sha umrboqiy qadriyatga ehtirom mujassamdir.

Ilmsiz aslo taraqqiyotga erishilmaydi, jaholat esa hech qachon insonni saodatmand etmaydi. Shu bois bu ulug'vor qadriyat barcha olim-u fuzalolar tomonidan ulug'langan, muqaddas va mo'tabar kitoblarda yuksak ne'mat sifatida e'tirof etilgan. Bu jihatdan, Imom G'azzoliy, Maxdumi A'zam singari allomalarimiz ilmiy meroslari, pand-o'gitlari beqiyos ahamiyatga ega.

Dunyo yaralib, insoniyat paydo bo'libdiki odamzod yaxshi yashashga chiroyli hayot kechirishga harakat qiladi. O'zidan yaxshi nom, ezgu fikrlar, go'zal tilaklar qoldirishni xohlaydi. Har bir aqli inson o'tib borayotgan vaqtining har bir onidan unumli foydalanib, o'ziga, kelajakka nafi tegadigan xayrli ishlarni qilib boradi. Ammo oramizda qadrli vaqtini o'tib ketishiga, uni behuda sarflashga achinmaydigan kimsalar ham yo'q emas albatta. Xo'sh! Jaholatning yovuz tuzog iga uning nopok iskanjasiga qanday inson kirib borishi mumkin?



Nazarimizda vaqtini behuda sarflaydigan, qanday ish qilishni bilmaydigan, irodasi zaif insonlarga bu yo`lga kirib borishi mumkindir. Birinchi prezidentimiz Islom Karimov aytganlaridek “Bu dunyoda tabiatda ham, jamiyatda ham bo`shliq bo`lmaydi. Qayerdadir bo`shliq bo`ldimi, hech shubhasiz, uni albatta kimdir to`ldirishga harakat qiladi”. Bu so`zlarning asl mohiyatini tus-hunadigan bo`lsak, qanchalar ma`no borligini anglab yetamiz. Go`yo inson miyasi ham xuddi shunday undagi bo`sh joylarni biz bilim, kerakli ma`lumotlar bilan to`ldirib bormasak, uni o`rnini esa keraksiz narsalar qoplashi muqarrar.

Hech shubhasiz aytishimiz mumkinki, kishi ma`naviyatli serg`ayrat va irodasi mustahkam bo`lsa, uni hech qanday yovuz niyatlar boshqara olmaydi. Jaholatni esa kuch bilan emas, ma`naviyat va ma`rifat bilan yengish mumkin. Odamzod noto`g`ri fikrga qarshi chiqib o`z fikrini qo`rqmasdan bildirishi, haqiqiy bilim, teran aql, yuksak ma`naviyat egasi bo`lishi kerak. Fikrga qarshi-fikr, g`oyaga qarshi-g`oya, jaholatga qarshi-ma`rifat bilan javob berishimiz kerak. Biz shu hur O`zbekistonda dunyoga keldikmi, unga munosib farzand bo`laylik, o`z ustimizda tinmasdan ishlaylik. Yaratilayotgan shart-sharoitlardan unumli foydalanib, kelajakka qo`rqmasdan qadam tashlaylik. Ona vatan, ota-onha oldidagi burchlarimizni ado etaylik. Endi o`tdi ajdodlarimiz soyasiga mahliyo bo`lib, yuradigan davrlar. Bugun jahon bizdan o`z so`zimizni, o`z tafakkurimizni namoyon etishimizni talab qilmoqda. Shunday ekan do`stlarim ilmga intilaylik.

Xulosa o`rnida shuni aytish mumkinki, inson tug`ilganda uning qalbi oppoq qog`ozga o`xshaydi. Unga qanday bitiklar bitilishi insoning o`ziga bog`liq. Yoshlarni muqaddas diniy ta`limotlarimiz va qadriyatlarimiz asosida tarbiyalash, ota-onaga hurmat, xalq dardi bilan yashash, oilani muqaddas deb bilish, kelajakka umid ko`zi bilan boqish kabi ezgu tushunchalar ruhida tarbiyalash bugungi kunning dolzarb vazifasidir. Bunday ulug` vazifaning asosiy qismini aynan biz pedagoglar bajaramiz. Shunday ekan bizlar jaholatga qarshi ma`rifat ruhida kurashda barchamiz o`z burchimizni his etishimiz, ogoh bo`lishimiz, vatanimizning kelajagi uchun mas`ul ekanimizni unutmashligimiz lozim.

Foydalangan adabiyotlar

1. I.Karimov “Yuksak ma`naviyat-yengilmas kuch” . Toshkent. 2008.
2. M.Qurbanov. Bizni birlashtirgan g`oya. Toshkent. 2016.
3. O`zbek tilining izohli lug`ati. Toshkent 1998.



**SPORT TASHKILOTLARINING JAMOAT BIRLASHMALARI SIFATIDAGI ROLI VA
O’RNINI YORITISH BILAN BOG’LIQ MUNOSABATLAR.**

Otobolayev Dostonbek Mahmudjon o‘g‘li

Toshkent davlat yuridik universiteti

“sport huquqi” magistranti

doston.otabolaev@gmail.com

+998996966917

ANNOTATSIYA

Mamlakatimizda so‘nggi besh yillikda olib borilgan islohotlarning natijasida yurtimizda Yangi O‘zbekistonni barpo etishning zarur siyosiy-huquqiy, ijtimoiy-iqtisodiy va ilmiy-ma’rifiy asoslari yaratildi.

Yoshlar hayotida sog‘lom turmush tarzi va jismoniy tarbiyani rolini oshirish, yosh avlodni sportning barcha turlariga keng jalb qilish bugungi kunning eng dolzarb masalalaridan biri bo‘lib, mazkur maqsadga erishish uchun mavjud sport muassasalarida yetarli sharoitlarni yaratish, shuningdek bu boradagi ishlarni tizimli ravishda samarali tashkil etishni taqozo etadi. Bugungi kunda yosh avlodni sog‘lom, ma‘nan hamda jismonan tarbiyalash davlatimizning sport sohasida olib borayotgan siyosatining asosiy yo‘nalishlaridan bo‘lib hisoblanadi.

Bejizga, “O‘zbekiston Respublikasining Jismoniy tarbiya va sport to‘g‘risida”gi qonunida jismoniy tarbiylash jarayoniga yuksak madaniyatga ega bo‘lgan har tomonlama yetuk hamda jismonan sog‘lom insonni shakllantirish maqsadida shaxsni tarbiyalashga, insonning jismoniy imkoniyatlarini rivojlantirishga, uning jismoniy tarbiya va sport sohasida malaka va bilimlarini ottirishga qaratilgan jarayon sifatida qaralishi belgilab o‘tilmagan.

Kalit so‘zlar. Sport, tashkilot, jamoat birlashmalari, sport huquqi, jismoniy tarbiya, sport qoidalarini hamda reglamentlari.

Xozirgi kunda mamlakatimizda yuqori iqtidorga ega bo‘lgan yosh futbolchilarni tanlash, saralab olish (seleksiya) tizimi va futbol infratuzilmasini yanada rivojlantirish, futbol bo‘yicha sport maktablari faoliyatini yangi bosqichga ko‘tarish, soha mutaxassislarini tayyorlash va ularni moddiy rag‘batlantirish tizimini yaxshilash kabi ishlarning olib borilishini O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PF-5887-son farmonida[1] belgilanishi futbolni sport turini mamlakatimizda yana-da rivojlantirish uchun qo‘yilgan navbatdagi qadamlardan desak to‘g‘ri bo‘ldi.

Sportning rivojlanish uning faqat moddiy-texnik bazasi bilangina emas balkim mustaxkam huquqiy asoslaringin ham yaratilishi va ta‘minlanishiga ham chambarchas bog‘liqligini biz jaxon tajribasidan kuzatamiz. Xar bir sport turining rivojlanishi va bu sohaga raxbarlikni ta‘minlanishi, sohaning bir maromda faoliyat yuritishi va takomillashib borishi uchun mazkur sohaga tegishli sport qoidalar hamda reglamentlarni ishlab chiqishga va o‘rnatishga mas‘ul bo‘lgan sport tashkilotlari-jumladan sport federatsiyalarining tashkil etilishi juda muhimdir.

O‘zbekiston Respublikasining Jismoniy tarbiya va sport to‘g‘risidagi qonunida[2] sport federatsiyasiga quyidagicha tarif berilgan, ya‘ni sport federatsiyasi — “bir yoki bir nechta sport turini rivojlantirish, ommalashtirish, shuningdek sport tadbirlarini o‘tkazishni tashkil etish hamda sportchilarni — O‘zbekiston Respublikasining sport terma jamoalari a‘zolarini sportning tegishli turi bo‘yicha tayyorlash uchun a‘zolik asosida tashkil etilgan va davlat ro‘yxatidan o‘tkazilgan nodavlat notijorat tashkilotidir”.

Biroq Rossiya qonunchiligidida ushbu atamaga boshqacha tarif ko‘zda tutilgan. Rossiya Federatsiyasining “Rossiya Federatsiyasida jismoniy tarbiya va sport to‘g‘risida”gi Federal qonunining 2-moddasining 16-bandida[3] unga quyidagicha tarif berib o‘tilgan:

“sport federatsiyasi - bir yoki bir nechta sport turlarini rivojlantirish, ularni targ‘ib qilish, tashkil etish, shuningdek, sport tadbirlarini o‘tkazish va sport terma jamoalariga a‘zo sportchilarni tayyorlash bo‘yicha a‘zolik va maqsadlar asosida tashkil etilgan jamoat tashkiloti” bo‘lib hisoblanadi.

Jismoniy tarbiya va sport jamoat birlashmalari-aholining sport manfaatlarini ro‘yobga chiqarishdagi roli.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida jamoat birlashmalari katta rol o‘ynaydi, chunki ular fuqarolarning manfaatlarini himoya qilish vositasi bo‘lib xizmat qiladi.

Rossiya Federatsiyasining “jamoaat birlashmalari to‘g‘risida” gi qonunning 7-moddasiga mu-



vofiq jamoat birlashmalar quyidagi tashkiliy-huquqiy shakllardan birida tuzilishi mumkin:

- jamoat tashkiloti;
- jamoat harakati;
- jamoat fondi;
- jamoat muassasasi;
- jamoat tashabbusi organi.

Jismoniy tarbiya va sport yo'nalishidagi jamoat birlashmalarining faoliyati “jamoat birlashmali to'g'risida” va “notijorat tashkilotlar to'g'risida” Rossiya Federal qonunlari bilan tartibga solinadi.

Rossiyada fuqarolarning jamoat birlashmalarini tashkil etish huquqi bevosita jismoniy shaxslarni birlashtirish va yuridik shaxslar – jamoat birlashmali orqali amalga oshiriladi. Fuqarolar tomonidan tashkil etiladigan jamoat birlashmali “jamoat birlashmali to'g'risida” gi qonunda nazarda tutilgan tartibda ro'yxatga olinishi va yuridik shaxsning huquqlarini olishi yoki yuridik shaxs huquqlarini qo'lga kiritmasdan va davlat ro'yxatidan o'tkazmasdan faoliyat yuritishi mumkin.

Jismoniy tarbiya va sport jamoat birlashmalarini tashkil etish tartibi

Jamoat birlashmasining muassislari, a'zolari va ishtirokchilari va ularga qo'yiladigan talablar quyidagilarni o'z ichiga oladi:

Jamoat birlashmasining muassislari jismoniy shaxslar va yuridik shaxslar – syezd (konferentsiya) yoki jamoat birlashmasi ustavi qabul qilingan umumiyy yig'ilishni chaqirgan jamoat birlashmali bo'lib, rahbar va nazorat-taftish organlari shakllantiriladi.

Jamoat birlashmasining a'zolari – jismoniy shaxslar va yuridik shaxslar-mazkur uyushma vazifalarini uning ustavi normalariga muvofiq birgalikda hal etishdan manfaatdor bo'lган jamoat birlashmali tegishli shaxsiy arizalar yoki hujjatlar bilan rasmiylashtiriladi.

Jamoat birlashmasining ishtirokchilari jismoniy va yuridik shaxslar - ushbu uyushmaning maqsadlarini va (yoki) uning muayyan harakatlarini qo'llab-quvvatlash istagini bildirgan, uning faoliyatida ishtirok etish shartlarini majburiy ro'yxatidan o'tkazmasdan ishtirok etgan jamoat birlashmalaridir.

Jamoat birlashmalarining muassislari, a'zolari va ishtirokchilari 18 yoshga to'lган fuqarolar bo'lishi mumkin. 14 yoshga to'lган fuqarolar yoshlar jamoat birlashmalarining a'zolari va ishtirokchilari bo'lishi mumkin. 8 yoshga to'lган fuqarolar bolalar jamoat birlashmalarining a'zolari va ishtirokchilari bo'lishi mumkin.

Jamoat birlashmali qonun bilan belgilangan ularning muassislari tashabbusi bilan – kamida uchta jismoniy shaxs tomonidan belgilangan tashkiliy shakllardan birida tuziladi.

Jismoniy tarbiya va sport yo'nalishidagi jamoat birlashmasini tashkil etish uchta usulda amalga oshirilishi mumkin. *Birinchi usul* – tashkil etilayotgan sport tashkilotini davlat ro'yxatidan o'tkazmasdan. *Ikkinci usul* – sport organlarini davlat ro'yxatidan o'tkazish. *Uchinchi usul* – Sport tashkiloti boshqa tashkilotning tarkibiy bo'linmasi sifatida ham faoliyat yuritishi mumkin.

Jamoat birlashmali faoliyatining hududiy sohasi.

Sport jamoat birlashmali davlat ro'yxatidan o'tkazish ma'muriy tartib xususiyatlarini tahlil etib, biz davlat ro'yxatidan o'tkazish uchun ariza berigan kundan boshlab 30 kun ichida Rossiya Adliya vazirligi yoki uning hududiy organi, uning davlat ro'yxatidan o'tkazish yoki uni rad etish to'g'risida qaror qabul qilish va arizachiga yozma ravishda rad etishni talab qiladi[4].

Rossiya Adliya vazirligi yoki uning hududiy organi davlat Sport Jamoat birlashmasini ro'yxatidan o'tkazish to'g'risida qaror qabul qilingandan so'ng, vakolatli ro'yxatga olish organiga (FTS, uning hududiy organlari) ushbu organ tomonidan yuridik shaxslarning yagona davlat reestrini yuritish uchun zarur bo'lган ma'lumot va hujjatlarni yuboradi.

Rossiya Federatsiyasining “Jamoat birlashmali to'g'risida”gi va “Rossiya Federatsiyasida jismoniy tarbiya va sport to'g'risida”gi Federal qonunlari bilan belgilangan talablarga Sport jamoat birlashmasining ramzlarining nomuvofiqligi xolatlari bunga misol bo'la oladi.

Shunday qilib, 2009-yilda jismoniy tarbiya va sport klublari “og'ir qo'lqoplar”, “uchar chang'ichi”, “Charm to'p” kabi jismoniy tarbiya va sport klublarining arizalari jismoniy shaxslarning yagona davlat reestrida bunday nomlar bilan jismoniy tarbiya va sport klublari borligi aniqlanganligi sababli rad etilgandi.

O'zbekiston Respublikasida xam “Jamoat birlashmali to'g'risida”gi qonuning 12-moddasiда Jamoat birlashmalarini ustavini ro'yxatga olishni rad etish asoslari keltirib o'tilgan. Jamoat



birlashmalari Ustavini ro‘yxatga olish rad etilgan taqdirda bu haqda taqdim etilgan ustav qaysi qonunchilik qoidalariga zid ekanligi ko‘rsatilib, ariza beruvchiga yozma ravishda xabar qilinadi. Jamoat birlashmasining ustavini ro‘yxatdan o‘tkazishning rad etilishi ustidan sudga shikoyat qilish mumkin hamda bu O‘zbekiston Respublikasi fuqarolik protsessual qonunchiligidan keltirilgan tartibda ko‘rib chiqilishi mumkin[7].

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, bugungi kunda jamoat birlashmalari sifatida sport jamoat birlashmalarining faoliyati mamlakatlar milliy qonunchiligi bilan mustaxkamlab qo`yilgan. Sport jamoat birlashmalarining faoliyatini rivojlanishi, mavjud bo`lishi albatta tegishli qonunchilik hujjatlari bilan tartibga yetarlicha huquqiy tartibga solinishi, xar bir mamlakatda mustaxkam huquqiy asoslarni talab etadi. O‘zbekiston hamda Rossiya qonunchiligi tahlili shuni ko‘rsatadiki, Sport jamoat birlashmalarini faoliyatini huquqiy ta`minlash bo`yicha ushbu mamlakatlar keng qonunchlik bazasiga egadir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining O‘zbekistonda futbolni rivojlantirishni mutlaqo yangi bosqichga olib chiqish chora-tadbirlari to‘g‘risida PF-5887-son farmoni, PF-5887-сон 04.12.2019. O‘zbekistonda futbolni rivojlantirishni mutlaqo yangi bosqichga olib chiqish chora-tadbirlari to‘g‘risida (lex.uz).
2. O‘zbekiston Respublikasi “Jamoat birlashmalari to‘g‘risida”gi qonuni, 223-XII-сон 15.02.1991. O‘zbekiston Respublikasida jamoat birlashmalari to‘g‘risida (lex.uz).
3. Rossiya Federatsiyasining “Rossiya Federatsiyasida jismoniy tarbiya va sport to‘g‘risida”gi Federal qonunining 2-moddasining 16-band, О физической культуре и спорте в Российской Федерации от 04 декабря 2007 - docs.cntd.ru.
4. Особенности государственной регистрации общественных спортивных объединений (часть 3) (center-bereg.ru).
5. Аналитическая справка по регистрации общественных и религиозных организаций Саратовской области и по контролю за их уставной деятельностью с 1999 г. по 2009 г. // Общественные объединения Саратовской области: проблемы правового регулирования. Саратов: Мадригал, 2009. С. 119 — 122.
6. Rossiya Federatsiyasi “Jamoat birlashmalari to‘g‘risida”gi qonuni, Об общественных объединениях от 19 мая 1995 - docs.cntd.ru
7. O‘zbekiston Respublikasi “Jamoat birlashmalari to‘g‘risida”gi qonuni, 223-XII-сон 15.02.1991. O‘zbekiston Respublikasida jamoat birlashmalari to‘g‘risida (lex.uz).



НИЗОЛАРНИ СУДГАЧА ҲАЛ ЭТИШ ТАДИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ШАКЛИ СИФАТИДА

Мусабоев Жаҳонгир Собирович
Наманган туманлараро иқтисодий суди судьяси

АННОТАЦИЯ: Мақолада юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда судгача низоларини ҳал этиш, унинг афзаликлари ҳамда медиация тушунчаси ва низоларни судгача ҳал қилувчи апелляция кенгаши тўғрисидаги маълумотлар ёритилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: иқтисодий низолар, судгача тартиб, шикоят қилиш ҳуқуқи, юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шикоят бериш, медиация, медиатор, низони муқобил ҳал қилиш.

Республикамида бозор иқтисодиётига асосланган муносабатлар ривожланиб борар экан, бозор муносабатларининг субъектлари ўртасида турли низолар вужудга келиши табиий ҳолат саналади. Амалиёт ҳам фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқаётган низоли ҳолатлар кам эмаслигини кўрсатмоқда. Бу каби низолашаётган тарафлар масаланинг ечимини топиш мақсадида анъанавий йўлни танлашга, яъни судга мурожаат қилишларига тўғри келади.

Ҳозирги кунда ривожланган хорижий давлатлар ҳуқуқий тизимида низони судгача олиб бормасдан, низони судгача ҳал қилиш яъни яраширув процедураси алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистонда ҳам чинакам бозор механизмларининг жорий қилиниши ва амалга оширилиши бозор муносабатларининг ҳар бир соҳасини тартибга солувчи зарур ҳуқуқий замин яратилишини талаб қиласди.

Низоларни судгача ҳал қилиш тартиби ўзи нима - низоларни судгача ҳал қилиш деганда тарафларнинг юзага келган низолар (келишмовчиликлар)ни суд органларининг аралашуввисиз ҳал қилишга қаратилган биргаликдаги ҳаракатлари тушунилади.

Низоларни судгача ҳал қилишга қонун чиқарувчи томонидан ҳам фуқаролик, ҳам маъмурӣ ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича йўл қўйилади. Низоларни судгача, яъни суд муҳокамасисиз ҳал қилиш тартибидан ҳар бир тараф манфаатдор бўлиши лозим.

- Биринчидан, талабнома юборувчи қисқа муддатда бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклашга эришади.

- Иккинчидан, тарафлар даъвони расмийлаштириш ва уни судга тақдим қилиш, даъвони судда кўриш жараёнида иштирок этиш билан боғлиқ вақтлари ва маблағларини тежайдилар.

- Учинчидан, давлат божини тўлаш ва суд чиқимлари билан боғлиқ харажатлар олди олинади.

- Тўртинчидан, шартномавий муносабат иштирокчилари ўртасидаги ишонч ва ҳамкорлик мустаҳкамланади ҳамда келажакда ҳамкорликни янада ривожлантиришга шароит яратилади.

Низоларни судгача ҳал қилишнинг талабнома юбориш тартиби деганда тарафларнинг келишмовчиликни ҳал қилиш бўйича ўз қарашлари ва таклифлари баён қилинган хатлар (талабнома ва талабномага жавоб) алмашиниши тушунилади. Низоларни судгача ҳал қилиш (талабнома ишлари) бўйича тўғри ва ўз вақтида ишларни юритиш давлат органлари ва ташкилотлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий ишларнинг асосий босқичларидан бири ҳамда шартнома шартларини бажариш бўйича ҳуқуқий таъминлашнинг самарали воситаси ҳисобланади. Талабнома ишларини юритишни тўғри ташкил қилиш давлат органлари ва ташкилотларининг хўжалик ва молиявий ҳолатини кўтаришда муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги даврда низоларни судгача ҳал қилиш давлат органлари, юридик шахслар ва фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг афзал шакли бўлиши, у қонунийлик принципига мос келади ва давлатга ҳам, фуқаролар ва юридик шахсларга ҳам тежамлироқ ҳисобланади.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 17 июндаги, ПҚ-4754-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 июлда қабул қилинган “Медиация тўғрисида”ти қонуни.
3. Адолат газетаси, 2018. № 28. 4. <https://www.norma.uz>.



YOSHLAR O'RTASIDA JINOYATCHILIKNI OLDINI OLISH

Jo‘rayev Diyorbek Dilmurod o‘g‘li
Farg‘ona viloyati Yuridik texnikumi talabasi

Annotatsiya: ushbu maqolada yoshlar o‘rtasida jinoyatchilikning kelib chiqishi hamda jinoyatchilikni oldini olishning nazariy jihatlari yoritilgan.

Kalit so‘zları: yoshlar, jinoyatchilik, huquqbazarlik, voyaga yetmaganlar.

Yuksak ma’naviyatli, zamonaviy bilim va o‘z mustaqil fikriga ega bo‘lgan yoshlarni milliy va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat ruhida tarbiyalash oldimizda turgan eng muhim va dolzarb masalalardan biri sanaladi. Ayniqsa, voyaga yetmaganlar, o‘smirlar va yoshlar o‘rtasida jinoyatchilik va huquqbazarliklarning oldini olish hamda ularga chek qo‘yish, shuningdek, ularning sodir etilish sabablari va shart-sharoitlarini aniqlash, tahlil qilish va bartaraf etish bo‘yicha chora-tadbirlarning samaradorligini oshirish davlat idoralari va tashkilotlari faoliyatining asosiy yo‘nalishlari hisoblanadi.

Yoshlarning jinoyatchiligining sodir etilishiga olib keladigan sabab va shart-sharoitlarni o‘rganmasdan turib jinoyatchilik muammosini atroflicha tahlil qilib bo‘lmaydi. Chunki ushbu muammoni keltirib chiqaruvchi sabab va shart-sharoitlar davlat va jamiyat hayotida o‘rin tutib kelayotgan mavjud muammolar bilan bevosita aloqador bo‘ladi.

Jinoyatchilikning sabablari, jamiyatda jinoyatchilikni ijtimoiy hodisa sifatida muayyan jinoyatni sodir etilishi uchun sharoit yaratuvchi ijtimoiy hodisalar va jarayonlar yig‘indisidir. Masalan, yoshlarning bezoriligining sababi ichkilikbozlik va nazoratsizlik deb hisoblansa-da, yuzaki qaraganda o‘smirning alohida bir jinoyat sodir etishining sababi bo‘lishi mumkin, lekin ular jinoyatning sababi bo‘la olmaydi, balki sharoit yaratadi, xolos.

O‘zbekistonda yoshlar o‘rtasida turli xil illatlarni oldini olish, yoshlar o‘rtasida jinoyatchilikni oldini olish, ularning huquqlari va qonuniy manfaatlarini ta’minalash maqsadida salmoqli ishlar amalga oshirilmoqda. Xususan, mustaqillikka erishganimizdan so‘ng, 1991-yil 20-noyabrda “O‘zbekiston Respublikasida yoshlarga oid davlat siyosatining asoslari to‘g‘risida”gi Qonun qabul qilindi. 2016–yilga kelib “O‘zbekiston Respublikasida yoshlarga oid davlat siyosati to‘g‘risida”gi qonun yangi tahrirda qabul qilindi. Bundan tashqari, “Bola huquqlarining kafolatlari to‘g‘risida”gi, “Voyaga yetmaganlar o‘rtasida nazoratsizlik va huquqbazarliklarning profilaktikasi to‘g‘risida”gi, “Bolalarni ularning sog‘lig‘iga zarar yetkazuvchi axborotdan himoya qilish to‘g‘risida”gi qonunlar qabul qilindi hamda qator xalqaro hujjatlar ratifikatsiya qilindi.

Mazkur hujjatlar yuzasidan mamlakatimizda keng qamrovli islohotlar amalga oshirilmoqda.

Xususan:

– huquqbazarlik profilaktikasi va jinoyatchilikka qarshi kurashishga qaratilgan chora-tadbirlar tashkil etilmoqda;

– huquqbazarlik profilaktikasini bevosita amalga oshiruvchi idora va muassasalar faoliyatiga huquqbazarliklar nisbatan ko‘p sodir etilayotgan joylar (hududlar) va sohalar ko‘rsatilgan holda interaktiv xaritalarni joriy etishga keng imkoniyatlar yaratilmoqda;

– huquqbazarliklar profilaktikasi bo‘yicha davlat tashkilotlarining ommaviy axborot vositalari bilan hamkorligining yangilangan Konsepsiysi ishlab chiqilib, dolzarb masalalarga oid sud majlislari televideniya orqali namoyish etilmoqda, amalga oshirilayotgan profilaktik tadbirlarning mohiyati va ahamiyati, qonuniylik ahvoli, sodir etilayotgan huquqbazarliklar hamda ularni ko‘rib chiqish jarayoni haqidagi tezkor ma’lumotlar televideniya orqali jamoatchilikka yetkazilmoqda va boshqalar.

Mamlakatimizda jinoyatchilikning oldini olish bo‘yicha olib borilayotgan tizimli islohotlar xalqimizning tinch va osoyishtaligini ta’minalashga xizmat qiladi.

Xulosa qilib aytganimizda, barcha ta’lim muassasalarida, huquqiy ta’lim-tarbiya hamda targ‘ibot ishlarida mas’ul xodim va mutaxasislar o‘z vazifalarini to‘liq va kreativ yondoshgan holda bajarishlarini zamirida islohotlarimiz samarasini turganini his qilmog‘imiz lozim. Shu bilan birga talabalar huquqiy madaniyatini yuksaltirishda ta’lim muassasalari bilan fuqarolik jamiyatni institutlari, huquqni muhofaza qiluvchi organlar va ommaviy axborot vositalarining samarali ijtimoiy hamkorlik mexanizmini yo‘lga qo‘yish maqsadga muvofiqdir.



Foydalanilgan adabiyotlar.

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Huquqbuzarlikla profilaktikasi va jinoyatchilikka qarshi kurashish tizimini yanada ta komillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 5153-sonli qarori. www.aza.uz
2. Sattorova M. Voyaga yetmaganlar jinoyatchiliginini oldini olish. – T.: 2006



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИ ШАКЛЛАНИШИНГ ТАРИХИЙ БОСҚҰТЧЛАРИ

Айтмуратов Ринат Бахытович,
Қорақалпоқ давлат университети
тадқиқотчиси
Телефон: +998913825575
rinataytmuratov@mail.ru

АННОТАЦИЯ: Мақолада Қорақалпоғистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг шаклланиш ва ривожланиш босқұчлари ҳуқуқий томондан кенг ёритилиб, бугунги кунда Қорақалпоғистон ҳуқуқий тизими умумәтироф этилган талаблар ва халқ манфаати ҳамда фуқароларимизнинг эркин ҳаёти, фаровон келажагини ҳисобга олган ҳолда яратилғанлы очи берилған.

КАЛИТ СҮЗЛАР: Ҳуқуқий тизими, ҳуқукий тизими босқұчлари, ҳуқуқнинг қадимги даври, мусулмон ҳуқуқи, суверен демократик республика.

Ўзбекистон Республикаси билан ўз тақдири ва келажагини биргаликда қўрган Қорақалпоғистоннинг ҳам ҳуқуқий тизими ва миллий давлатчилиги пойдеворини барпо этиш соҳасида пухта ва жиддий иш олиб борилған давр бўлди. Қорақалпоғистон тарихида биринчи марта бутунлай янги шароитларда сиёсий-иктисодий ва ҳуқуқий ислоҳотлар, кенг қамровли янгиланишларнинг амалга оширилиши йирик тарихий ва ижтимоий ҳодиса бўлди. Демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва ҳуқуқий тизимни ривожлантириш борасидаги саъй-харакатлар бу ишларнинг энг муҳими ҳисобланади.

Қорақалпоғистон ҳуқуқий тизимининг шаклланиш ва ривожланиш босқұчлари ҳозирги кунга қадар ўзининг ҳуқуқий томонидан тўла илмий тадқиқот даражасига кўтарила олмаяпти. Хусусан, Қорақалпоғистон давлати ва ҳуқуқи тарихи ҳозирги даврга қадар ўз олдига алоҳида фан сифатида ишлаб чиқилмаганлиги сабабли биз Қорақалпоғистоннинг қадимги ва ўрта асрлардаги ижтимоий-сиёсий ривожланишига, ҳуқуқий тизимининг шаклланишига ҳозирги давр қараши билан баҳо беришимиз қийин.

Шундай бўлса ҳам Ўрта Осиё ҳалқлари (ҳозирги Марказий Осиё) тарихини, Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихини ўрганиб, Ўрта Осиёда яшаб ўтган бошқа барча ҳалқлар сингари қорақалпоқ ҳалқи ҳам ўзининг тарихий ривожланиш босқұчига эгалиги ўзига хос ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий босқұчлардан ўтганлигининг гувоҳи бўламиз. Шу маънода Қорақалпоғистон ҳуқуқий тизимининг шаклланиши масаласини ҳам даврларга бўлиб ўрганиш мумкин, яъни:

Биринчи давр ҳуқуқнинг қадимги даври - ҳозирги Қорақалпоғистон Республикаси худудида (Қадимги Хоразм) давлат ва ҳуқуқ пайдо бўлишидан то мусулмон ҳуқуқи ўрнатилгунига қадар (мил. ав. биринчи минг йиллик бошларидан милоднинг VII асригача) бўлган даврни ўз ичига олади. Мазкур даврдаги ҳуқуқий тизимни анъанавий ҳуқуқ оиласи ҳукмронлик қилган давр деб тавсифлаш мумкин. Бу даврнинг ижтимоий-сиёсий тузилиши, ҳуқуқий тизимлари ҳақида бизга етиб келган маълумотлар йўқ. Фақатгина профессор С.П. Толстов қадимги давр тарихчилари Геродот (милоддан аввалги VI-V асрлар) ва Страбон (милоддан аввалги I аср) ёзиб қолдирган қўллэзмаларидан фойдаланган ҳолда ўша даврнинг оила-никоҳ муносабатлари ва урф-одат меъёрлари ҳақида илмий хулоса қилган.

Иккинчи давр мусулмон ҳуқуқи ўрнатилишидан то Ўрта Осиёнинг Россия империяси томонидан босиб олингунинг қадар ўтган вақтни ўз ичига олади. Бу орада бир неча қабилалардан иборат қорақалпоқ ҳалқи ташкил топади. Улар дастлаб олти қабилалардан иборат бўлган. Булар: қипчоқ, кенагас, хитой, манғит, қўнғирот, муйтен қабилалари эди.

XVIII асрнинг 70-йилларидан бошлаб Хива хонлиги қорақалпоқ ерларини ўзига бўйсундириб олиш учун тўхтоворсиз ҳужумлар қиласи ва 1811 йилдан бошлаб, Сирдарё қорақалпоғларининг ота-боболари бўлиб ҳисобланадиган Амударёнинг қўйи оқимидағи ва Янгидарёдаги (Жаңадарё) қорақалпоқлар Хива хони Мұхаммад Раҳим томонидан хонликка қўшиб олинади ва Амударёнинг икки томонига ўрнашади.

XIX асрнинг ўрталарида бутун қорақалпоқ уруғларини бошқариш, солиқлар ундириш, ҳарбий хизматни ўташ мажбуриятларига доир ишларни тартибга солиш мақсадида беклар



бени тайинланган. Айрим туманларни идора қилиш учун эса хон ўзининг қариндош-урұғлари ва ишончли одамларини қорақалпоқлар яшайдиган қуи Амударё ва Оролбўйи ҳудудларига жўнатиб турганлар. Шунингдек, уларга ёрдам бериш учун қозиларни ҳам кўшиб юборгандар. Мусулмончилик асосларини қорақалпоқ ҳалқи орасида мустаҳкамлаш учун эса Хивадан руҳонийлар гурухларини жўнатганлар.

Учинчи даврда хуқукий тизим Россия империяси мустамлакачилиги таъсирида ривожланган бўлиб, у Ўрта Осиё Россия империяси томонидан босиб олинганидан то Қорақалпоқ автоном вилоятининг ташкил топишигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда бир неча юз йиллар мобайнида мусулмон хуқуки амал қилиши билан бирга, Россия империяси қонунчилигининг (роман-герман хуқуқ оиласига мансуб хуқукий тизим ва фояларнинг) кириб келиши бошланган.

Шунингдек, бу даврни қорақалпоқларнинг Шўро тўнтаришига қадар хуқукий тизими шаклланишининг, сиёсий-бошқарув институтларининг кўчайган даври сифатида Хива хонлиги таркибида Россия протекторатини тан олган даврини кўрсатиш мумкин. Чор Россияси Ўрта Осиёни бутунлай босиб олишни якунлагандан кейин, қорақалпоқларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида, давлат бошқарувида анча ўзгаришлар юз берди.

Қорақалпоқлар жойлашган ҳудудлар Туркистон генерал губер-наторлигининг Сирдарё вилояти Амударё бўлими деб юритилди ва унинг пойтахти Петро-Александровск шахри деб белгиланди (хозирги Тўртқул шахри). Туркистон ўлкаси таркибидаги қорақалпоқларнинг сиёсий тузуми 1886 йили Россия хукумати томонидан қабул қилинган «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом»га мувофиқ тартибга солинган.

Хива хонлиги таркибидаги қорақалпоқлар сиёсий тузуми эски хонлик тартиб-қоидалари буйича тартибга солинган.

1918-1921 йилларда Туркистон автоном республикасининг, 1920 йилда Хоразм ва Бухоро Ҳалқ Республикаларининг ташкил топиши Ўрта Осиё ҳалқлари тарихида муҳим даврлар бўлиб ҳисобланади.

1920 йил 28 апрелда Ўрта Осиё КП(б) Марказий Қўмитасида Муваққат Комиссия тузилиб, унинг таркибидаги кичик комиссиялар ўзбек, туркман, қозоқ, қирғиз, токик, қорақалпоқ ҳалқларининг давлатчилиқ тузуми тўғрисидаги масала бўйича иш олиб борди. 1924 йил 10 майда ушбу Комиссия Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланишини ўтказиш кераклиги тўғрисида қарор қабул қилди. Жумладан, қорақалпоқ туманларини Хоразмдан ажратиб чиқариш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Миллий давлат чегараланиши натижасида Қорақалпоғистон автоном вилояти таркибига кўйидаги ҳудудлар киритилди:

- а) Аввалги Амударё вилояти ҳудудлари;
- б) Хоразм Совет Социалистик Республикасининг Хўжайли ва Қўнғирот туманлари.

Ҳудудий жиҳатдан вилоят 4 округга бўлинган: Тўртқўл, Чимбой, Хўжайли, Қўнғирот.

Қорақалпоқ автоном вилоятининг тузилиши билан Шўро тўнтаришига қадар икки бўлак бўлиб яшаган қорақалпоқ ҳалқи марказлашган ҳокимият мавжуд бўлган ўз давлатчилигига эга бўлди. Автоном вилоят шакли қорақалпоқ ҳалқи давлатчилигининг ва хуқукий тизимининг расмий илк қўриниши ҳисобланади.

Тўртинчи давр - Қорақалпоғистон автоном вилояти Қозоғистон АССР таркибida ташкил топиши (1925 йилдан), Қорақалпоғистон автоном вилоятини бевосита РСФСР таркибига кирадиган автоном республикага айлантирилишидан (1932 йилдан) Қорақалпоғистон АССРнинг Ўзбекистон ССР таркибига киритилишигача бўлган давр. Бу давр аралаш хуқукий тизимлар давридир.

1925 йил 12-19 февралда Тўртқўл шаҳрида бўлиб ўтган Қорақал-поғистон автоном вилояти Советларининг биринчи съезди «Қорақал-поғистон автоном вилояти Қозоғистон АССР таркибida ташкил топганлиги тўғрисида Декларация» қабул қилди ва «Қорақалпоқ ҳалқининг миллий давлатчилигиги» ташкил этилганлигини қонуний расмийлаштириди.

1932 йил 5 марта Қорақалпоғистон автоном вилояти Ижроия Қўмитасининг Пленумида Қорақалпоғистон автоном вилоятини бевосита РСФСР таркибига кирадиган автоном республика қилиб тузиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди. ВЦИК Президиуми Қорақалпоғистон автоном вилоятини Қорақалпоғистон автоном республикасига айлантириш тўғрисида тарихий қарор қабул қилди.

1932 йилнинг 25 майда Тўртқўлда Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Респу-



бликасининг 1-ташкилий съезди бўлиб ўтди. Биринчи ташкилий съездда Қорақалпоғистон Республикасининг Марказий Ижроия Кўмитаси ва хукумати тузилди.

Қорақалпоғистон автоном вилояти Қорақалпоғистон АССР бўлиб мустаҳкамланганидан кейин кўп ўтмасданоқ унинг биринчи Конституцияси ишлаб чиқилди. 1932 йил 3 декабрдан Қорақалпоғистон АССР депутатлар Совети Марказий Ижроия қўмитасининг 2-сессияси унга тақдим этилган конституция лойиҳасини кўриб чиқди ва тасдиқлаш учун Бутунrossия Марказий Ижроия кўмитаси ва Советларнинг Бутунrossия съездига тақдим қилди.

1932 йилги Асосий қонун 6 бўлим, 7 боб ва 100 моддадан иборат эди. Ушбу Асосий қонун ҚҚАССР олий органлари СССР ва РСФСР олий органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни аниқлаб берди.

Умуман ҚҚАССРнинг 1932 йилги Конституциясида ҚҚАССРнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг иш фаолияти принциплари ва унинг хукукий статуси (мақоми) илк бор белгиланди.

Бешинчи давр - 1936 йилги СССР Конституциясига мувофиқ Қорақалпоғистон АССР РСФСР таркибидан чиқарилиб, Ўзбекистон Республикаси таркибига кирганидан то 1991 йилда мустақил Ўзбекистон Республикаси эълон қилинишига қадар ўтган вақтни ўз ичига олади. Бу даврда хукукий тизим Совет мустамлакачилиги шароитида ривожланган, Иттифоқ таркибида бўлган Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССРнинг хукукий тизими шакланган. Мазмун ва моҳиятига кўра бу тизим социалистик хукуқ оиласига мансуб бўлган.

1937 йил 20 марта ҚҚАССР Советларининг III махсус қурултойида Конституция қабул қилинди. Қорақалпоғистон АССРнинг Асосий қонуни 1937 йилнинг сентябрда Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Кўмитасининг Президиуми томонидан тасдиқланди.

Ушбу Конституцияга мувофиқ, мамлакатдаги аввалги бир қанча қонун чиқарувчи органларни ўз ичига жамлаган съездлар Совети тизими тарқатилиб, унинг ўрнига бирдан-бир қонун чиқарувчи органи қилиб ҚҚАССР Жўқорғи Совети белгиланди.

Қорақалпоғистон АССРнинг иккинчи Конституцияси Жўқорғи Советнинг IX чақириқ навбатдан ташқари 1978 йили 29 майда бўлиб ўтган 8-сессиясида қабул қилинди. Халқ депутатларининг сайлов тартиби Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан тартибга солинса депутатларнинг статуси (мақоми) тўғрисидаги масала ҳам Республиканинг ўз қонунчилиги билан тартибга солинди. Шунинг ўзи ҚҚАССР статусининг кенгайгандигини кўрсатиб турибди. Асосий Қонунда Қорақалпоғистоннинг Олий ҳокимият органлари, Министрлар Кенгаши ва маҳаллий ҳокимият ва ижроия органларининг ваколатлари ҳам бироз кенгайтирилди.

Олтинчи давр Қорақалпоғистон хукукий тизимининг ривожланишидаги кейинги босқичи бўлиб, бу давр 1991 йилдан – ҳозирга бўлган даврни ўз ичига олади, яъни Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини қўлга киритгач, Қорақалпоғистон АССР Республикаси мустақил Ўзбекистон таркибидаги суверен Қорақалпоғистон Республикаси мақомини олганидан бошланади.

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил давлат мустақиллигига эга бўлганлиги катта тарихий аҳамиятга эга воқеа ҳисобланади. Чунки ҳалқимиз ўз тақдирини ўзи белгилаш хукуқига эга бўлди, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳиби, эгаси бўлди. Ўзбекистон мустақиллиги республикада адолатли, демократик, инсонпарвар жамият қуриш учун йўл очиб берди, ўз миллий давлатчилигимизни барпо қилишга имконият яратди.

1990 йил 14 декабря Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг IV сессиясида «Ўзбекистон Республикаси таркибида Қорақалпоғистон Республикаси суверенитети тўғрисида» Декларация қабул қилинди. Ҳар икки республика ўртасидаги сиёсий, хукукий, иқтисодий, маданий соҳалардаги муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам ўз аксини топди. Натижада икки томонлама хурмат асосида қорақалпоқ ҳалқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш, мустақил тараққиёт ҳамда давлатчиликни мустаҳкамлашдаги роли ошди ва Қорақалпоғистон хукукий тизими ўз ривожланиши босқичида ана шундай адолатли демократик имтиёзларга эга бўлди.

Қорақалпоғистон – Ўзбекистон Республикаси таркибига кирадиган суверен демократик республика бўлганлиги сабабли Қорақалпоғистон хукукий тизими ҳам Ўзбекистон Республикасининг хукукий тизимидек – умумэтироф этилган талаблар ва халқ манфаати ҳамда фуқароларимизнинг эркин ҳаёти, фаровон келажагини ҳисобга олган ҳолда яратилди, унга



мувофиқ ҳаракатда бўлган ҳуқуқий ҳодисалар, воситалар, жараёнлар, институтлар, муассасаларнинг ўзаро мантиқий боғлиқ ҳолдаги ифодасидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Л.М.Ахунджанов. Становление и развитие национальной государственности Республики Каракалпакстан. Т. «Узбекистан» 1992. стр.55.
2. С.Д.Ниетуллаев «Қарақалпақстан Республикасының Конституциялық ҳуқықы». Нокис., «Билим»., 1996 йил 16-бет.
3. С.Д.Ниетуллаев. «Қарақалпақстан Республикасының Конституциялық ҳуқықы». Нокис., «Билим»., 1996 йил 22-бет.
4. Қарақалпақстан Республикаси Конституциясы. Нөкис. «QARAQALPAQSTAN», 2021.



ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ МАҚОМИНИ ШАКИЛЛАНИШ ТАРИХИ

Кушбоқов Шохруҳ Ҳасан ўғли
ИИВ Академияси ўқитувчisi
Зикиров Собиржон
ИИВ Академияси курсанти
Тел. +99890-133-67-31

Аннотация. Мақолада жазони ижро этиш муассасаларини фуқаровий-хуқуқий мақоми шакилланиш тарихи ҳамда Юртимизда жазони ижро этиш муассасалари юридик шахс сифатида фаолият олиб бориши ўрганилган.

Таянч тушунчалар: жазони ижро этиш муассасаси; юридик шахс; пенитенциар модел; маҳкумларнинг меҳнати.

Жазони ижро этиш муассасалари нафақат жазо ижросини таъминлайди балки маҳкумларни ахлоқан тузатишга хизмат қиласди. Юртимизда тарихан олиб қаралганда жазони ижро этиш муассасаларини фуқаролик-хуқуқий мақоми яъни юридик шахс сифатида шакилланишга имкон бўлмаган чунки Бухоро амирлиги, Кўқон ва Хива хонликларигача бўлган давргача ЖИЭМлари мустақил тузилма эмас балки оддий зиндан кўринишида бўлган; чор Россияси хукмонлиги ва собиқ Иттифоқ хукумонлиги даврида ҳам муассасалар юридик шахс мақомига эга бўлмаган.

Замонавий кўринишдаги биринчи жазони ижро этиш муассасалар 1553 йилда Англияда ва 1595 йилда Голландияда пайдо бўлган. Бу мамлакатларда ишлаб чиқариш муносабатлари бошқаларга қараганда эртароқ вужудга келган ва шунинг учун озодликдан маҳрум қилиш жазосига хукм қилингандар фаолият юритиш учун энг фойдали ва нисбатан арzon ишчи кучи сифатида қизиқиш ўйғотган[1]. Бундан кўриниб турибтики ЖИЭМларининг фуқаролик-хуқуқий муносабатга киришиши айнан шу даврдан тўлиқ ўз ифодасини топган.

XVIII-аср охирида тадқиқотчилар Жон Ховард ва Жеремиаҳ Бентҳам жиноятчиларнинг салбий одатлари ва ахлоқини тузатиш учун касбий тайёргарлик, меҳнат ва ахлоқий таъсир кўрсатишни назарда тутувчи пенитенциар моделни таклиф қилдилар[2]. Ушбу тадқиқотчилар томонидан ишлаб чиқилган жазо тамойиллари ва тушунчалари кўплаб давлатларнинг, шу жумладан Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилигида ўз аксини топган.

Жазони ижро этиш муассасалари тарихда хусусий шахслар билан фуқаролик-хуқуқий шартномалар тузиш илк кўринишлари 1607 йилда инглиз қўчманчиларидан кейин маҳкумлар Виржиния штатига келтирилиш бўлган. Уларни ташиш хусусий пурратчилар томонидан амалга оширилди, бунинг эвазига пурратчилар маҳкумларни қулликка сотиш хуқуқини олдилар. Бундай келишув Британия хукуматига харажатларни сезиларли даражада камайтириш ва Буюк Британия жазони ижро этиш муассасаларидағи бўш жойлар сонини ошириш имконини берди[3]. Буюк Британиянинг ўзида бу соҳада давлат ва хусусий капиталнинг ўзаро таъсири ўрта асрларда қайд этилган. Хуқуқбузарларни жазолашнинг бундай тизими хукумат вакиллари томонидан эмас, балки даромадлари бевосита судланганлар сонига боғлиқ бўлган хусусий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқилган[4].

АҚШда фуқаролар урушидан сўнг, кичик жиноятлар учун хукм қилинган собиқ қуллар, айниқса жанубий штатларда мажбурий меҳнат учун[5] хусусий пурратчиларга ёлланган. 1885 йилга келиб АҚШнинг 13 штати маҳкумларни ёллаш учун хусусий тадбиркорлар билан шартнома тузди. Маҳкумларнинг меҳнати пурратчилар учун ҳам, жазони ижро этиш муассаса маъмурияти учун ҳам иқтисодий жиҳатдан фойдали эди. Даромадлар ҳар доим ҳам маҳкумларни сақлаш харажатларини қопламасди, лекин шу йўл билан жазони ижро этиш тизими маъмурияти муассасаларни ўзини ўзи таъминлаш даражасига олиб келган ва ҳатто молиялаштириш учун олинган пулнинг бир қисмини давлат бюджетига қайтариш ҳолатлари ҳам бўлган[6].

1905 йилда АҚШ президенти Рузвелт жазони ижро этиш муассасалар меҳнатидан федерал лойиҳалар учун фойдаланишни тақиқловчи ҳужжатни имзолади. 1929 йилда Конгресс штатларга бошқа штатлардан маҳкумлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни олиб киришни тақиқлаш имконини берувчи қонунни тасдиқлади (Ҳawes-Соопер акти). Ундан



кейин маҳкумларнинг меҳнатидан фойдаланишни тақиқловчи ва улар томонидан яратилган товарларни ташишни чекловчи бошқа қонунлар қабул қилинди.

АҚШ хусусий тадбиркорларга ҳаттоки жазони ижро этиш муассасаларини хусусийлаштириш имконини берди. Бу тажриба 1850-йилларда Калифорнияда очилган хусусий компания томонидан қурилган ва бошқариладиган биринчи жазони ижро этиш муассасаси (Сент-Квентин жазони ижро этиш муассасаси)да ўз аксини топди. Лекин бу тажриба муваффақиятсиз тугади - унинг атрофида коррупция ва нотўғри бошқарув ҳолатлари билан боғлиқ жанжаллар штат хукуматини хусусий компания билан шартнома тузишдан бош тортишга ва жазони ижро этиш муассаса бошқарувини ўз қўлларига қайтаришга мажбур қилди.

Фикримизча, ушбу тажрибамутлақотўғри эмас, чунки жазони ижро этиш муассасаларининг асосий мақсади фойда олиш эмас балки маҳкумларни ахлоқан тузатишдир.

ХХ аср бошидан буён АҚШ дабарчажазони ижро этиш хизматлари фақат давлат томонидан давлат бюджети (федерал ёки штатлар) ҳисобидан қурилган ва молиялаштирилдиган муассасаларда тақдим этилган. Бир қатор ҳолларда нотижорат ташкилотлар, кўнгиллилар томонидан маҳкумларни реабилитация қилиш бўйича хизматлар кўрсатилди. Жазони ижро этиш муассасаларни сақлаш харажатлари анъанавий равишда юкори бўлган, шунинг учун бир қатор хизматларни (одатда тиббий хизматлар, озиқ-овқат, транспорт) кўрсатиш учун хусусий компаниялар билан шартнома тузиш амалиёти кенг тарқалган[7].

Жазони ижро этиш муассасалари Юртимизда 2020 йил 15 апрелдаги “Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазоларни ижро этиш муассасаларининг фаолияти самарадорлигини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан юридик шахс сифатида фаолият олиб бора бошлади.

Ушбу қарорда Жазони ижро этиш муассасаси юридик шахс ҳисобланади, фаолиятини амалга ошириш учун ўз мустақил балансига, шахсий ғазна ҳисобварағига ва банк ҳисобварағига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрларга, шунингдек, ўз фаолиятини амалга ошириш учун муассасанинг номи ёзилган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган бланкаларга эга бўлади[8] деб тариф берилган.

Бундан кўриниб турибдики, Юртимизда жазони ижро этиш муассасалари ўзи мустақил равишда фуқаролик-хукуқий муносабатга кириша оладиган тузилмага айланиб улгурди. Шу билан бирга ушбу муассаса ФКнинг 40-моддаси (Юридик шахсларнинг турлари)да белгиланган юридик шахс турининг фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган ташкилот (тижоратчи бўлмаган ташкилот) юридик шахс[9] ҳисобланади. Чунки Жазони ижро этиш муассасаси юридик шахс сифатида фойда олишни эмас балки ЖИЭМнинг мақсади маҳкумни ахлоқан тузатиш — унда қонунга итоаткор хулқ-атворни, инсонга, жамиятга, меҳнатга, жамият турмуши қоидалари ва анъаналарига хурмат муносабатини шакллантиришдан иборат[10].

Хуласа қилиб айтганда тарих бизга яхши дарс ҳисобланади чунки АҚШ хусусий тадбиркорларга жазони ижро этиш муассасаларини хусусийлаштириш имконини берди. Бу тажриба 1850-йилларда Калифорнияда очилган хусусий компания томонидан қурилган ва бошқариладиган биринчи жазони ижро этиш муассасаси (Сент-Квентин жазони ижро этиш муассасаси)да ўз аксини топди. Лекин бу муассаса юридик шахс сифатида маҳкумни ахлоқан тузатиш эмас фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган (тижоратчи ташкилот) бўлди халос. Бундай ЖИЭМларда маҳкумлар фақат арzon ишчи кучи сифатида керак бўлади эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1.2. История формирования пенитенциарных систем в зарубежных государствах - Департамент пробации КР (probation.gov.kg)

3. Austin J., Coventry G. Emerging Issues on Privatized Prisons. Monograph. National Council on Crime and Delinquency. 2001. Retrieved on June 16 from: <http://www.ncjrs.org/pdffiles1/bja/181249.pdf> P. 19.

4. Hallett M. (2004) Commerce with Criminals: Neo-Colonialism in Criminal Justice. Review of Policy Research, Vol. 21, No. 1.

5. Hallett M. Op. Cit.



6. Сморгунова А.Л., кандидат юридических наук, доцент кафедры уголовного права РГПУ им. А.И. Герцена. История приватизации пенитенциарных учреждений за рубежом (wiselawyer.ru)

7. Austin J., Coventry G. Op. cit. P. 21.

8. 128-сон 05.03.2020. Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазоларни ижро этиш муассасаларининг фаолияти самарадорлигини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида (lex.uz)

9. 21.12.1995. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (биринчи қисм) (lex.uz)

10. 25.04.1997. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси (lex.uz)



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОЗОДЛИКНИ ЧЕКЛАШ ЖАЗОСИНИ ҚЎЛЛАШ ЗАРУРАТИ

Кушбоқов Шоҳруҳ Ҳасан ўғли
ИИВ Академияси ўқитувчиси
Орзиқулова Севара Нормамат қизи
ИИВ Академияси курсанти
Тел. +99897-772-73-50

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида озоликни чеклаш жазосини ижро этишдаги амалий ютуқлар ва камчиликлар таҳлил қилиниб кўриб чиқилган.

Таянч тушунчалар: Озодликни чеклаш; Пробация хизмати; Авесто; Пробация назоратидаги шахс.

Миллий давлатчилигимиз қарийб уч минг йиллик тарихида илк бор аждодлар яратган мўъжиза бўлмиш “Авесто” китобидаги: “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” шиори бугун ғам ўз аҳамиятини йўқотмаган[1]. Унга кўра “Авесто”да жазо бериш диний “диний-этник қоидаларга бўйсндириш мақсадидаги ҳаракат” маъносида қўлланиб, хатти-ҳаракат учун тўловни англатган. Жазони синааб кўриш қоидалари асосида олиб борилган[2]. Шу аснода Юортбошимиз ҳам Олий Мажлисга мурожатида “Биз жиноий жазоларни инсонпарварлик нуқтаи назаридан ўзгартиришга алоҳида эътибор қаратамиз”[3] деб такидлаганлар.

Бизга маълумки мамлакатимизда қилган жинояти учун жазо тайинлашда инсонпарварлик тамойили асосида илмий ва амалий ишлар амалга оширилмоқда. Булардан энг халқ тили билан “уй қамоғи” ибораси билан ифода этиладиган озодликни чеклаш жазосидир.

Озодликни чеклаш жазоси ижросини Пробация хизмати таъминлаб ушбу жазо тури жиноятларни олдини олишда салмоқли ўрин тутмоқда. Жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир.

Озодликни чеклаш қандай жазо?

Озодликни чеклаш- суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарқ этишини бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқиши чеклашдан иборат[4]. Озодликни чеклаш бир ойдан беш йилгача муддатга тайинланади ҳамда суд томонидан белгиланадиган органлар назорати остида ўталади. Озодликни чеклаш, уни маҳкумнинг яшаш жойида ўташ шартлари содир этилган қилмишнинг хусусияти ва суд чиқарган қарорни ижро этишдан бўйин товлашнинг олдини олиш ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан белгиланади[5].

Бир гурух олимлар озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш зарурат бўлмаган ҳолатларда озодликни чеклаш жазосини қўллаш мақсадга мувофиқлигини қайд этадилар. Жумладан, М. Усмоналиев ва F.o. Эрматовлар “жиноятчиликка қарши курашда фақат қаттиқ жазо чораларини қўллаш орқали кўзланган мақсадга эришиб бўлмаслигини”[6], профессор к.Р.Абдурасурова “Судлар томонидан фақат муқаддам судланган шахсларга оғир жазо тайинланишини[7], А.А. Шамансуров, Ч.А. Сатторов, А.Р. Пайзиевлар эса “озодликдан маҳрум қилиш жазоси бошқа жазоларни қўллаш самарасиз бўлганида[8] қўлланилиши зарурлигини ўринли қайд этадилар. Айрим ҳолатларда, жазони ижро этиш жойларига юборилган маҳкумлар қайта тарбияланиш ўрнига, жиноят оламининг барча қонун-қоидаларини ўзлаштириб, “профессионал” жиноятчиларга айланишига сабаб бўлмоқда[9]. Натижада кенг жамоатчилик диққат-эътиборидан четда қолиш эҳтимоли кўпроқ бўлмоқда[10].

Ушбу жазони қўллашнинг ижобий жиҳатлари бу:

биринчидан, озодликни чеклаш жазоси тайинланган шахс доимо назоратда бўлиши яни муайян жойларга бормаслик, оммавий ва бошқа тадбирлар ўtkазишида иштирок этмаслик, муайян фаолият билан шуғулланмаслик, муайян буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзида сақламаслик, транспорт воситасини бошқармаслик, маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини, иш ва (ёки) ўқиш жойини ўзгартираслик, тегишли маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик, муайян шахслар билан алоқа ўрнатмаслик,



алоқа воситаларидан, шу жумладан Интернетдан фойдаланмаслик, алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик каби чекловлар қўйилиши маҳкумни ножӯя ҳаракатларини чеклайди фақат оиласи бағрида оиласи учун яшаш имконини беради;

иккинчидан, ушбу жазо тайинланган шахс жамиятдан ажратилмаган ҳолда Пробация ходимлари кўмагида ишга жойлашиш ва “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари” киритилиб маҳалла назорати остида иш фаолиятини олиб бориши оиласига Давлат томонидан имкониятлар яратишга кўмак беради.

Ушбу жазони кўллашдаги муаммолар:

биринчидан, озодликни чеклаш жазоси тайинланган шахс Пробация назорати остида бўлади. Шу боис Пробация хизмати амалиётига 3 000 дона электрон браслетларни тадбиқ этишни назарда тутувчи 2020 йилда озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазоларни ижро этиш муассасаларини видеоқузатув мосламалари ва шахсий видеорегистраторлар (боди-камералар) билан жиҳозлаш ҳамда Пробация хизмати амалиётига электрон браслетларни тадбиқ этиш[11] амалиёти жорий этилиши керак эди лекин ушбу ВМ қарори ижроси таъминланмади;

иккинчидан, туман (шаҳар) ички ишлар органлари Пробация бўлинмаларининг шахсий таркиби улар зиммасига юқлатилган вазифаларни бажаришда, қоида тариқасида, бир нафар ходимга шаҳарларда — 100, туманларда — 75 нафар маҳкум[12] ҳисобидан келиб чиқиб тақсимланиши кўзда тутилган эди лекин ҳозирда Тошкент шаҳрида бир ходимга маҳкумлар сони ушбу кўрсаткичдан ошиби кетмоқда;

учинчидан, сутканинг муайян вактида яшаш жойидан чиқиши чекланган маҳкумлар Пробация ходимлари ва профилактика инспектори томонидан ҳар ойда камида 3 маротаба яшаш жойидан чиқиши чекланган муайян вактида мазкур чеклашга амал қилаётганлигини текшириш учун доимий равишда назорат қилиб борилади. Лекин сутканинг белгиланган вақти асосан судялар кечаси соат 23:00 дан 06:00 ни белгилаши мумкин бу ҳолатда маҳкумни текшириш учун келган Пробация ходими ёки профилактика инспектори МЖтКнинг 192-модда (Маишӣ шовқингта қарши кураш талабларини бузиш)сидаги талаб бузилади яъни тунги вактда — соат 23.00 дан 06.00 гача — фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дам олишини бузиш, улардан ташқарида жуда зарур бўлмагани ҳолда шовқин чиқарувчи ишлар қилиш[13] хуқуқбузарлигини ходимлар ўзлари содир этиб қўйиши мумкунку. Ушбу маҳкум яшайдиган хонадонда фақат ўзи эмас балки оила аъзолари ҳам яшайди шунинг учун ушбу ҳолатни олдини олиш мақсадида суд хукм чиқариш вақтида оила аъзоларини ҳам огоҳлантириб қўйиши мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Хулоса ўрнида, ушбу жазо турини ижро этишда қўйидаги таклифларни бериш ўринли деб топтик. Улар кўйдагилар:

биринчидан, ушбу жазо тайинлангандан сўнг Пробация хизмати амалиётига 3 000 дона электрон браслетларни тадбиқ этишни қайта кўриб чиқиши.

иккинчидан, озодликни чеклаш жазосини ижросини таъминлашда асос бўладиган қонун ва қонун ости хужжатларни қайта кўриб чиқиши (ЖИК ва 2017 йил 28 авгуистдаги “Муайян хуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари ва озодликни чеклаш тариқасидаги жазоларнинг ижросини ташкил этиш ҳамда шартли хукм қилинган шахслар устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида” 157-сонли ИИВ буйруғи).

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Усмонов Д.М. Шартли хукм қилиш институтининг назарий, хуқуқий ва амалий жиҳатларини такомиллаштириш. Монография. -Тошкент: ИИВ Академияси, 2021.-5 б.
2. Саидов А., Тошқулов Ж. Ўзбекистон давлати ва хуқуқи тарихи: Ўқув қўлланма. -Т ИИВ Академияси, 1995.-19 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий МАжлисга Мурожатномаси. – Т: Ўзбекистон НМИУ, 2018 -Б. 41.
4. Озодликни чеклаш жазоси ҳақида биласизми? (aniq.uz)
5. 22.09.1994. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (lex.uz)
6. Усмоналиев М., Эрматов Ф.О. Шартли хукм тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти. – Тошкент: ТДЮИ, 2005.– Б. 3-4.
7. Абдурасурова Қ.Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят-хуқуқий ва криминологик



муаммолари. юрид. фан. д-ри. ... дис. – Тошкент, 2006. – Б. 249.

8. Шамансуров А.А. Проблемы законодательного обеспечения пенитенциарной системы Республики Узбекистан: автореф. дис. ... док. юрид. наук / А.А. Шамансуров. – Ташкент, 2001. – С. 19-20; Сатторов Ч.А., Пайзиев А.Р. Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этишда инсонпарварлик принципининг татбиқ этилиши ва аҳамияти // Ўзбекистон Республикасида суд-хуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар: бугунги ҳолати, муаммо ва ечимлари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2008 йил 29 ноябрь). – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2008. – Б. 119.

9. Курбонов Д.Р. Жиноят қонунчилигини либераллаштириш шароитида жиноий жавобгарликни кўллаш муаммолари, юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Самарқанд, 2008. – Б. 105.

10. Юлдашев М.Ш. Маҳкумлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликка имплементация қилиниши: Илмий рисола. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010. – Б. 30.

11. 128-сон 05.03.2020. Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазоларни ижро этиш муассасаларининг фаолияти самарадорлигини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида ([lex.uz](#))

12. ПҚ-4006-сон 07.11.2018. Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида ([lex.uz](#))

13. 22.09.1994. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ([lex.uz](#))



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПРОБАЦИЯ ХИЗМАТИНИНГ
ФАОЛИЯТИНИНГ ЎРНИ

Кушбоқов Шохруҳ Ҳасан ўғли
ИИВ Академияси ўқитувчisi
Шодиёр Боходиров
ИИВ Академияси курсанти
Тел. +99890-133-67-31

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида Пробация хизматини ташкил этиш сабаблари, ундаги амалий ютуқлар ва камчиликлар ҳуқуқшунос олимлар фикрлари ва қонунчиликдаги тарифлар асосида таҳлил қилиниб кўриб чиқилган.

Таянч тушунчалар: Ички ишлар вазирлиги; Пробация хизмати; Жон Августус; пробация назоратидаги шахс.

Пробация хизматининг дастлабки шакллари ўрта асрларда Англияда вужудга келган. Бунга ўша даврда қўлланадиган жазоларнинг жуда қаттиқ ва шафқатсизлиги сабаб бўлган. Замонавий Пробация хизматини 1841 йилда АҚШ полицияси офицери Жон Августус ташкил қилган. Бунга кутилмаган бир воқеа сабаб бўлган. Кунларнинг бирида суд ичкиликбозликка йўлиқкан ҳуқуқбузарни ҳибсонага жўнатади ва уч ҳафтадан кейин ҳукм ўқилишини маълум қилади. Ҳукм ўқиладиган куни ҳуқуқбузар полиция офицери Жон Августус ҳамроҳлигида ҳушмуомалалик билан кириб қилади. Ҳамма ҳуқуқбузарнинг ташки қиёфаси ва феълатвори тубдан ўзгарганидан ҳайратланади. Кейинчалик маълум бўлишича, Жон Августус ҳуқуқбузарни назоратга олиб, ахлоқан қайта тарбиялаган экан. Шу орқали суд ва кишилар онгиди шахсни жазолаш эмас, балки қайта тарбиялаш орқали жиноятларнинг олдини олиш мумкинлиги тўғрисида тасаввур пайдо бўлган[1].

Ушбу хизмат Ўзбекистон Республикасида илк бор 2018 йил 7 ноябрда Юргашимизнинг “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 4006-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари таркибларида тегишлича Пробация хизмати ва унинг ҳудудий бўлинмалари (кейинги ўринларда — пробация бўлинмалари) ташкил[2] этилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 марта “Жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиб соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” 6196-сонли Фармони билан Ички ишлар вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш орқали турдош соҳавий хизматлар фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини жорий этиш мақсадида Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси, Ҳуқуқбузарлар профилактикаси бош бошқармаси, Йўл ҳаракати ҳавфсизлиги бош бошқармаси, Пробация хизматини ўз ичига оладиган Жамоат ҳавфсизлиги департаменти[3] ташкил этилди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда пробация фаолиятини такомиллаштириш зарурати бўйича доцентлар А.А.Шодиев ва З.Қ. Жаббаровларнинг фикрича, ўзбек оиласарида эр ёки аёл озодликдан маҳрум этилса, уларнинг танишлари ёки маҳаллада яшовчи фуқароларда маҳкумнинг бутун оила-аъзоларига нисбатан салбий қараш уйғонади. Бу эса оиласини обрўсига катта путур етказади. Шу боисдан эндиликда маҳкум манзил колонияларига юборилмасдан пробация назоратига олинади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Махбуслар билан муомала қилиш бўйича минимал стандарт қоидлари», яъни 106-Манделла қоидасида «Махбус ва унинг оила аъзоси ўртасидаги алоқаларни сақлаш ва мустаҳкамланишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим, улар зарур ва иккала томон манфаатларига хизмат қилиши назарда тутилади», деган устувор қоида бор.

Фикримизча, Пробация хизматини ташкил этишдан асосий мақсадлар мавжуд булар: биринчидан, жазони ижро этишда **инсонпарварлик** принципи қўллаш орқали жазони ўтаётган шахснинг ижтимоий мослашувига, ўқиш ва ишга жойлашишига қўмаклашади ҳамда улар томонидан қайта жиноят содир этилишининг олдини олишга эришиш; иккинчидан, илғор хорижий тажрибадан фойдаланиш. ҳозирги вақтда кўп мамлакатларда



Пробация хизматидан фойдаланилди ва ижобий натижаларга эришилмоқда. Мисол учун кўшни Қозоғистонни олайлик. Шартли равища жазога тортилганлар(6858)нинг 37 фоизига нисбатан пробация кўлланган. Натижада умумий маҳкумларнинг 202 нафари қайта жиноятга кўл урган бўлса, пробацияга тушганларнинг бор йўғи 15 нафари, яъни 7,4 фоизи такроран жиноят содир этган[4];

учинчидан, оилавий кўмак бериш. Яъни пробация назорати остидаги шахсларда меҳнат қилишда имконият чекланмаган иш фаолиятида танлов кенг мисол учун жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган маҳкум муассасада бор иш турларинигина бажариши мумкин холос.

Бундан ташқари, 2020 йил 14 февралда ҳукуматнинг «Ички ишлар органлари Пробация хизмати фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 84-қарори билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Бандлиқ ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2020 йил 1 марта бошлаб назорат остидагиларга ижтимоий-хукукий ва психологик ёрдам кўрсатиш бўйича ўзаро ҳамкорликни йўлга[5] қўйилганлиги алоҳида эътиборга сазовор бўлди.

Шундай ижобий ишлар амалга оширилган бўлсада камчиликлар мавжуд. Булар қўйидагилар:

биринчидан, амалиётдаги муаммоларни ўрганилганда суд амалиётида, судлар томонидан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашда маҳкумнинг яшаш жойи жойлашган тумандаги Пробация хизмати томонидан назоратга олиниши белгиланмоқда. Аммо муаммо нимада, у шундаки, масалан Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида яшовчи маҳкумга шу туман Пробация хизмати ходими томонидан назоратга олиш тартиби белгиланмоқда. Бироқ ушбу ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаётган маҳкум 20–25 километр узоклиқда жойлашган Чилонзор ёки Учтепа туманида ишлайди. Шу сабабли Пробация хизмати ходими ушбу маҳкумларни кун давомида назорат қилишнинг имкони йўқ. Масалан, Тошкент шаҳридаги суд ҳукмларининг 60–70 % да шундай назорат ўрнатиш тартиби белгиланганлигини кузатиш мумкин. Шунинг учун қайд этишимиз керакки, «Судлар томонидан ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашда маҳкум қайси туманда ишлаши белгиланган бўлса, ушбу туманда фаолияти олиб бораётган Пробация хизмати томонидан маҳкумларни назорат қилишни белгилашга эътибор[6] берилиши;

иккинчидан, Пробация хизмати учун профессионал кадрларни тайёрлаш яъни Иив Академиясида ушбу фаолиятни бўйича курсантларни ўқитиши тизимини йўлга қўйиши;

учинчидан, маҳаллаларда юритиладиган темир дафтар, аёллар ва ёшлар дафтарлари, меҳр дафтарлари каби пробация назорати остидаги шахслар учун ҳам алоҳида дафтар юритилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1.4. ПРОБАЦИЯ ўзи нима? | huquqburch.uz

2. ПҚ-4006-сон 07.11.2018. Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz)

3. ПФ-6196-сон 26.03.2021. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиб соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz)

5. 84-сон 14.02.2020. Ички ишлар органлари Пробация хизмати фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида (lex.uz)

6. А.А. Шодиев, З.Қ. Жаббаров Жазони ижро этиш тизимида манзил-колонияларининг қисқартирилиши, инсонпарварлик комиссияларини тузиш зарурати ва аҳамияти. Иив Академияси Ахборотномаси 2021 2-сон. Т. 123-Б.



ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИНИНГ МАҲҚУМЛАРНИ ОЗОДЛИККА ТАЙЁРЛАШДАГИ ЎРНИ

Кушбоқов Шоҳруҳ Ҳасан ўғли
ИИВ Академияси ўқитувчisi
Ахрор Авазов
ИИВ Академияси курсанти
Тел. +99890-133-67-31

Аннотация. Мақолада жазони ижро этиш муассасаларини маҳқумларни озодликка тайёрлаш ва уларни жазони ўтаб бўлгандан сўнг иш билан таъминлаш борасида хуқуқшунос олимлар фикрлари ва қонунчиликдаги тарифлар асосида таҳлил қилинб кўриб чиқилган.

Таянч тушунчалар: жазони ижро этиш муассасаси; маҳкум; тараққиёт стратегияси; дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети.

Қайд этишимиз керакки, бугунги кунда Ўзбекистонда 54 та жазони ижро этиш муассасалари мавжуд. Уларнинг 18 таси ёпик турдаги колониялар, 25 таси очик манзил колониялари, 11 таси эса тергов ҳибсоналари ҳисобланади.

Ушбу жазони ижро этиш муассасаларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 апрелдаги “Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазоларни ижро этиш муассасаларининг фаолияти самарадорлигини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 128-сонли қарори билан асосий вазифалардан бири этиб: *Маҳқумларни озод қилишига тайёрлаш, шига жойлашишига ва машший ҳаётидаги эҳтиёжларини аниқлаш, жазони ижро этиши муассасаларидан озод қилингандан кейин уларнинг хуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши, шунингдек, уларнинг хуқуқбузарликларни содир этишининг олдини олиш мақсадида тарбиявий ишлар олиб бориши*^[1] белгиланган.

Демак, жазони ижро этиш муассасалари маҳқумларни нафақат қилган жинояти учун тайинланган жазо ижросини таъминлади балки маҳқумларни озодликка ҳам тайёрлади экан. Маҳқумларни озодликка чиққандан сўнг иш билан таъминланиши борасида бир неча назарий қарашлар мавжуд бўлиб, улардан бири хуқуқшунос олимлар Шодиев А.А. ва Жаббаров З.қ. назаряларидир. Уларнинг фикрича, суд ҳукмларида маҳқумни айнан ким иш билан таъминлаши масаласини ҳам аниқ белгилаб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу каби масалаларни ҳам кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш ва унинг мақбул ечимини топиш зарур^[2] деб такидлаганлар.

Фикримизча, маҳқумларни келажагини унинг озодликда қайта жинояти содир этишини олдини олиш биргина жазони ижро этиш муассасалари вазифаси эмас балки жамоат бирлашмалари ва бошқа давлат органларининг вазифаси ҳос ҳисобланмоғи лозим.

Бу борада 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармонинг 14-мақсади (Қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда инсон қадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида белгилаш)нинг биринчи хатбоисида. Маҳқумлар ва жазони ўтаб бўлган шахсларнинг меҳнат, ижтимоий таъминот ва халқаро эътироф этилган бошқа хуқуқларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий мослашуви ва жамиятга реинтеграциясига кўмаклашишнинг самарали механизmlарини жорий этиш, ушбу йўналишда давлат ва жамият институтларининг биргаликдаги фаолиятини йўлга қўйиш^[3] масаласи назарда тутилган.

Ушбу мақсад билан қонун лойхаси ишлаб чиқилаётгани эътиборга сазовор ҳисобланади. Ушбу қонун лойхасини амалга ошириш механизми белгиланган бўлиб улар қуидагилар:

1. Озодликдан маҳрум этилган шахсларга жазони ўташ шароитларини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш.
2. Меҳнатга жалб этилган маҳқумларга колониялардаги иш стажини умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисоблаш тартибини жорий этиш.
3. Озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ўтаб бўлган фуқароларни қўллаб-куватлаш бўйича “дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети”ни жорий қилиш орқали уларнинг ижтимоий мослашуви механизmlарини такомиллаштириш.
4. Маҳқумларнинг тузалиш йўлига ўтганлигини белгиловчи қатъий мезонларни белгилаш.



Ушбу механизм амалиётда ўз аксини топса қуйидаги ижобий ютуқларга эришилади:

Биринчидан, Жазони ижро этиш муассасалари жазони ўташ шароитларини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштирида маҳкумлар ҳам авалло инсон эканлиги Республикаизда инсон қадри унинг ҳақ-хуқуқлари тўлиқ таъминланаётганидан далолат беради.

Иккинчидан, Мехнатга жалб этилган маҳкумларга колониялардаги иш стажини умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисоблаш тартибини жорий этиш Конситуциямизнинг 37 моддасида Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади[4] деган жумлага ўзгартириш киритилишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Чунки маҳкумларни ҳозирда мажбурий меҳнатга жалб қилиш қилинса ушбу тизим ишга тушса маҳкумлар ихтийёрий ишлаши мумкин. Негаки жазони ўтаб туриб ҳам келажагини қуришга давлат томонидан имкон берилади.

учинчидан, Шу вақтгача ЖИЭМлардан озод қилинаётган шахслар яшашни мўлжаллаётган жойга етиб олиши учун йўл ҳужжатлари, белгиланган норма бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари ёки пул компенсацияси билан таъминланади. Озод қилинаётган шахсларда мавсумий кийим ва пойабзал, шунингдек уларни сотиб олишга пул бўлмаса, улар кийим ва пойабзал билан бепул таъминланади. Шу мақсадлар учун озод қилинаётган шахсларга бир йўла тўланадиган пул нафақаси берилиши мумкин[5] эди. Эндиликда озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ўтаб бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлаш бўйича “дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети”ни жорий қилиш орқали уларнинг ижтимоий мослашуви механизmlарини такомиллаштириш фаолияти йўлга қўйилмоқда. Бу биноан маҳкум озод бўлгандан сўнг ўзини оиласини қўллаб қувватлаш учун ёрдам хисобланади.

туртинчидан, Маҳкумларнинг тузалиш йўлига ўтганлигини белгиловчи қатъий мезонларни белгилаш тартиби ишлаб чиқилиши қуйидаги ижобий назарияни амалиётда ўз аксини топишига бир восита бўлади. Яъни келиб чиқиши мумкин бўлган коррупция омилларини олдини олиш. Жазони ижро этиш муассасалари маъмурияти маҳкумни жазодан озод қилиш ёки жазосини енгилроғи билан алмаштириш тўғрисида судга тақдимнома киритишни мустақил ҳал этса коррупция омиллари аралashiши мумкин. Натижада улар латент бўлиб қолиб кетавериши мумкин. Чунки Халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган Нельсон Манделла қоидаларида “Маҳкумни жамиятга қайтариш, зарур бўлса маҳкумнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда озод қилиб, уларга синов муддатини белгилаб, уларга самарали ижтимоий ёрдам кўрсатадиган, маҳкумларни жамиятда ўз ўрнини топишга ёрдам берадиган марказлаштирилган ва мувофиқлаштирилган ташкилот мавжуд бўлиши зарурлиги”[6] қайд этилган.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги Жазони ижро этиш муассасаларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш, маҳкумларни жазони ўтаб бўлгандан сўнг ҳаётларини тўғри ҳалол йўл билан давом эттириш, жазони ўтаб чиқсан шахслар томонидан жиноят содир этилишини олдини олиш мақсадлари кўзда тутилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.03.2020 й. 128-сон «Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазоларни ижро этиш муассасаларининг фаолияти самарадорлигини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори | BUXGALTER.UZ

2. А.А. Шодиев, З.Қ. Жаббаров Жазони ижро этиш тизимида манзил-колонияларининг қисқартирилиши, инсонпарварлик комиссияларини тузиш зарурати ва аҳамиятииив Ахборотнома 2021 2-сон.pdf

3. ПФ-60-сон 28.01.2022. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида (lex.uz)

4. 08.12.1992. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (lex.uz)

5. 2495-сон 29.07.2013. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида (lex.uz)

6. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Маҳбуслар билан муомала қилиш бўйича минимал стандарт қоидалари». www.penalreform.org/keep-informed



ПРОБАЦИЯ ХИЗМАТИ НАЗОРАТИДАГИ ОСТИДАГИ ШАХСЛАРНИ
ЖИНОЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАРНИ ЎРНИ

Кушбоқов Шохруҳ Ҳасан ўғли
ИИВ Академияси ўқитувчisi
Норматов Дониёр
ИИВ Академияси курсанти
Тел. +99897-765-62-32

Аннотация. Ушбу мақолада Пробация хизмати назоратидаги шахсларни жиноятларини олдини олиш, уларни меҳнатга жалб қилиш орқали жиноятларни жиловлаш ҳақида амалий ютуқлар ва камчиликлар таҳлил қилиниб кўриб чиқилган.

Таянч тушунчалар: Пробация хизмати; умумий, махсус, якка ва виктимологик профилактика

Шундай касблар борки юрт тинчлиги йўлида ўз осойишталигидан кечган инсонлар ишлайди, булардан бири ички ишлар органлари ходимларидир. Ички ишлар органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек хукуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасидан иборат[1].

Ушбу орган таркибида бўлган Пробация хизмати ходимлари ҳам жиноятларни профилактика қилишда ўз ўринга эга бўлиб келмоқда. М.Исмоиловнинг фикрича, Пробация хизмати – суд ҳукми ёки ажрими билан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахслар томонидан жазо ижро этилишини таъминлайди[2].

Фикримизча, Пробация хизмати нафақат суд ҳукми ёки ажрими билан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахслар томонидан жазо ижро этилишини балки, назорат остидаги шахсларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда уларнинг жиноятларини олдини олишни ёрдамга муҳтож вақтида психологияк ёрдам кўрсатиши мумкин.

Пробация хизмати назорати остидаги шахсларга ижтимоий-хукуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш бўйича вазирликлар ҳамда идораларнинг ўзаро ҳамкорликдаги вазифалари ва уларни бажарилиш ҳолатини таҳлил қилиш орқали, пробация хизмати самарадорлигини ошириш, жумладан инсон хукуқларининг таъминланиши борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши жараёнлари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Пробация хизмати ходимларининг жиноятларни олдини олишда ўз ўрни ва уларнинг назоратида бўлган контингент яъни озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни тайинланган шахслар, шартли ҳукм қилинган ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан, жазони ижро этиш муассасаларидан жазони ўтаб чиқсан вояга етмаганлар учун билан истиқболли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Шунингдек, ушбу шахсларнинг жиноятларини олдини олишда қуйидаги профилактик тадбирларни амалга оширади:

биринчидан, хар бир назорат остидаги шахслар учун профилактик сухбат ўтказилади. профилактик сухбат - шахсни жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтиришдан, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ижтимоий ва хукуқий оқибатларини ҳамда хукуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликни тушунтиришдан иборат бўлади[3].

иккинчидан, назорат остидаги шахслар ўзинг юриш-туришида муаммолар бўлса ушбу соҳа таркибидаги мутахассис-психологлар томонидан маълум бир ҳақ эвазисиз психологик ёрдам кўрсатилади.

учинчидан, жиноят қилишга мойиллиги бор назорат остидаги шахслар рўйхати тузилади ва улар билан умумий, махсус, якка ва виктимологик профилактикалар амалга оширилади;

тўртинчидан, Пробация назорати остидаги шахсларни меҳнатга жалб қилиш орқали жиноятларни олдини олиш чоралари кўрилади. Юртбошимиз таъкидлаганидек: “Жиноятнинг асл сабаби – ишисизлик. Ҳаммамизнинг асосий вазифамиз бу муаммога



қарши курашии бўлиши керак”[4] - деб бежизга таъкидламаганлар. Фикримизча, Юртбошимизнинг гаплари тўғри чунки ишсиз одам бекорчи бўлади бекорчи одамда пул бўлмайди. Пул бўлмагандан сўнг эҳтиёж келиб чиқади, эҳтиёжни қондириш учун жиноятга кўйлурлади.

Назорат остидаги шахсни иш билан таъминлаш мақсадида назоратдагилар, айниқса, хотин-кизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлаш, муайян касб хунарга эга бўлган ёшларни мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш мақсадида, Бандликка кўмаклашиш марказлари билан ҳамкорликда “Ишга марҳамат” тадбирлари ташкил этилиб, назоратидагиларнинг ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашишларига кўмаклашилмоқда.

Ҳамкорликда олиб борилган тизимли ишлар натижасида 2020 йилнинг ҳозирги кунига қадар назорат остидаги шахсларни ижтимоий мослаштириш бўйича 521 маротаба

“Ишга марҳамат” тадбирлари ташкил этилиб, назоратдаги шахсларнинг 4.561 нафарига ишга йўлланмалар берилган бўлса, 4.009 нафари ишга жойлаштирилди.

Муайян касбга эга бўлмаган 2.196 нафар назорат остидагилар касб-хунарга ўқитилиб, 5.455 нафарига соғлигини тиклаш, 5.254 нафарига шартномалар тузиш, 129 нафарига уйжой билан таъминлаш, 106 нафарига ўқишга кириши, 8.504 нафарига моддий ёрдам олиш, 1.756 нафарига майший масалада, 411 нафарига истеъмол кредитлар олиш ва 6.229 нафарига бошқа масалалар бўйича хукукий ва амалий ёрдамлар кўрсатилди[5].

Ушбу ишларни амалга ошириш чоғида қуйидаги муаммоларга дуч келинмоқда улар қўйидагилар:

1. Назорат остидаги шахслар билан сухбат ўтказиш учун соҳа таркибидаги мутахассис-психологлар етишмаслиги. Бу муаммони ҳал этиш учун ИИВ Академиясида Пробация йўналини очиш ва юрист-психолог мутахассисларини етиштириш.

2. Назорат остидаги шахсларни иш билан таъминлашда амалиётдаги муаммо бу Пробация ходими назоратидаги шахс ўз яшаш туманидан эмас балки бошқа тумандан ишга жойлашиши. Бу ҳолатда Пробация ходими ўз назорати остидаги шахсларни назоратини амалга оширишда муаммоларга дуч келади. Шунинг учун ушбу муаммони бартараф қилиш мақсадида Суд амалиётида жазони ижросини белгилаш билан бирга иш жойини ҳам белгилаб ўтилса мақсадга мувофиқ бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси ИИО тўғрисидаги қонунига шарх (znanio.ru).
2. Пробация хизмати иш бошлади унинг вазифалари нималардан иборат - Zamin.uz.
3. ЎРҚ-371-сон 14.05.2014. Ҳукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида (lex.uz)
4. Жаҳонгир Ортиқхўжаев: «Айримлар 1,5 млн ойлик бераман, деса «кам» дейди, лекин 6 ойлаб уйда ўтиради» (kun.uz).
5. Пробация хизмати ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан амалга оширилаётган ишлар (iiv.uz).



МАЖБУРИЙ ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ ҚЎЛЛАШДА ИЛГОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ТАХЛИЛИ

Кушбоқов Шохруҳ Ҳасан ўғли
ИИВ Академияси ўқитувчisi
Убайдуллаев Жасурбек Мансур ўғли
ИИВ Академияси курсанти
Тел. +99890-133-67-31

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида мажбурий жамоат ишларини қўллаш, хорижий тажриба ундаги амалий ютуқлар ва камчиликлар қонунчиликдаги тарифлар асосида тахлил қилиниб, кўриб чиқилган.

Таянч тушунчалар: Ички ишлар вазирлиги; Пробация хизмати; Жон Августус; Пробация назоратидаги шахс.

Юртимизда мажбурий жамоат ишлари янги жазо тури бўлиб амалиётда энг кам қўлланиладиган жазо ҳисобланади. Мажбурий жамоат ишлари жазоси – маҳкумни ҳақ тўланмайдиган фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий тарзда жалб қилишдан иборат бўлиб, маҳкум ишлаётган ёки ўқиётган бўлса, мажбурий жамоат ишлари ишдан ёки ўқишдан бўш вақтда ўталади[1].

Маълумки ҳар бир мамлакат ўзининг қонунчилигини такомиллаштириб борар экан, бунда хорижий мамлакатларнинг қонунчилигини, уларининг тартиб-қоидаларини, ҳалқаро ҳукуқ стандартларини, қўллаш тамойилларини ўрганиб чиқади ва улардан маълум миқдорда андоза олади. Шундай экан давлатимиз ҳам, ўз жиноий-хукукий қонунчилигини такомиллаштириб борар экан, айниқса жиноий жазолар билан боғлиқ соҳада хорижий давлатларнинг қонунчилигидаги жазолар, уларнинг самарадорлиги, бизнинг қонунчилигимизга қўллашда ушбу жазоларнинг жиноий-хукукий табиати мос келиши инобатга олинади.

Демак, хорижий мамлакатларнинг тажрибасини ўрганараб эканмиз, Россия Федерациясининг жиноий қонунчилигини эътибор қаратсан. Хўш Россия Федерациясининг жиноий жазолар тизимида биз таҳлил қилаётган Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазо ёки ушбу жазога нисбат берадиган давлат мажбурлов чораси мавжудлигига эътибор қаратсан.

Биринчи марта жамоат ишлари шаклидаги жиноий жазо Россия Федерациясининг 1996 йилдаги Жиноят кодексининг 49-моддасида “Мажбурий иш” шаклидаги жазо тури келтирилган бўлиб, ушбу жазонинг таърифи қуйидагicha:

Мажбурий меҳнат маҳкум томонидан асосий ишдан ёки ўқишдан бўш вақтларида бепул ижтимоий фойдали ишларни бажаришдан иборат. Мажбурий иш тури ва уларга хизмат кўрсатадиган бинолар маҳаллий ҳокимият органлари томонидан жиноят-ижроия инспекциялари билан келишилган ҳолда белгиланади[2].

Мажбурий ишлар олтмишдан тўрт юз саксон соатгача ташкил етилади ва кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган муддатда хизмат кўрсатилади.

аёлларга, уч ёшга тўлмаган болалари бўлган аёлларга, чақирув бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга, шунингдек, ҳарбий хизматда шартнома асосида ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга юклатилмайди. Оддий ва кичик офицерларнинг лавозимлари, агар улар суд ҳукми чиқарилаётганда белгиланган муддатли ҳарбий хизмат муддатини ўтамаган бўлса.

Шунингдек, ушбу турдаги жазо Украинаning Жиноят кодекси 56-моддасида ўз ўрнини топган бўлиб, Жамоат ишлари нормада жазоси қуйидагicha:

Жамоат ишлари маҳкумларнинг ишдан ёки ўқишдан бўш вақтларида бепул ижтимоий фойдали ишларни бажаришдан иборат бўлиб, унинг тури маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан белгиланади[3].

Жамоат ишлари олтмишдан икки юз қирқ соатгача ташкил етилади ва кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган муддатда хизмат кўрсатилади.

Жамоат ишлари биринчи ёки иккинчи гурух ногиронлиги деб тан олинган шахсларга, ҳомиладор аёлларга, пенсия ёшига етган шахсларга, шунингдек муддатли ҳарбий хизматга тайинланмайди.

Халқаро ҳукуқни ўрганишда давом этарканмиз, жанубий Европа давлатларининг



(Испания, Португалия ҳамда Италияда) ҳам жиноят қонунчилигига мазкур турдаги жамоат ишлари жазосини учратишимиз мумкин, ушбу жазонинг қўлланилиши мазкур давлатларда бир-бирига ўхшаш ҳисобланади. Масалан, Испания Жиноят кодексининг (ЖК) 33-моддаси, жиноий жазоларнинг ҳар хил турлари каторига кирган жамият манфаати учун ишлаш жазоси маҳкумнинг розилигисиз тайинланиши мумкин бўлмаган ҳамда жамият фойдаси учун ишлайдиган ушбу жазо уни ижтимоий фойдали фаолиятнинг маълум бир соҳасида ўз хизматларини бепул қўрсатишга мажбур қиласди. Ишнинг давомийлиги кунига саккиз соатдан ошмаслиги керак[4]. Иш шароитлари қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

Жамият ишлари ҳар доим маҳкумнинг илтимосига биноан буюрилади. Ушбу давлатларда бир фарқ бу жазонинг муддатларини ҳисоблашда. Улар соат (Португалияда), кунлар (Испанияда), ойлар (Италияда) билан ҳисобланади.

Франция давлатида мазкур турдаги жазо мавжуд бўлиб, у Франция Жиноят кодексида Жамият манфаати учун ишлаш деб номланади ва уни тайинлаш ҳамда жазони ўташ тартиби юқорида кўриб чиқсан Европа давлатларидан андоза олган холда белгиланган[5].

Мазкур кўриб чиқаётган жазо Марказий Осиё давлатларида, чунончи, Қозогистон Республикасида ҳам мавжуд бўлиб, ушбу жазо Қозогистон Республикаси Жиноят кодексининг Жамоат ишларига жалб қилиш деб номланган 43-моддаси[6]да ўз ўрнини топган. Ушбу жамоат ишлари маҳкумлар томонидан маълум бир малакани талаб қилмайдиган бепул ижтимоий фойдали меҳнатни бажаришдан иборат ва жамоат жойларида маҳаллий ижро этувчи органлар томонидан ташкил етилади.

Шунинг билан ҳалқаро хуқуқда жамоат ишларига жалб қилиш жазосининг қўллаш тамойиллари, уларнинг тайинлашда эътиборга олинадиган холатлар ҳамда ушбу жазони белгилаш ва ўташ тартибини **назарий ва амалий** кўриб чиқиб, қўйидаги таклифларни билдиришни жоиз деб топдик:

Ҳар чоракда маҳаллий ижро этувчи органларни қонун бузувчиларнинг меҳнатидан фойдаланадиган ташкилотлар рўйхатларини тузиш, маъмурий хуқуқбузарликлар учун мустақил жазо сифатида мажбурий жамоат ишларини жорий этиш, мажбурий жамоат ишларига жалб қилинган маҳкумларни жазосини ўтаб бўлганидан сўнг жазо ўтаган корхона, муассаса, ташкилотда иш билан таъминлаш, жамоат ишлари қўлланиладиган жиноятлар турларини кенгайтириш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди мажбурий жамоат ишлари жиноий жазоси (миллий ва хорижий тажриба) from (sud.uz)
2. «Уголовный кодекс Российской Федерации» (УК РФ) от 13.06.1996 N 63-ФЗ (последняя редакция) \ КонсультантПлюс (consultant.ru)
3. Уголовный кодекс Украины от 5 апреля 2001 года № 2341-III (С изменениями и дополнениями по состоянию на 24.03.2022 Г.) (zakon.kz)
4. ispanii_uk.doc (live.com)
5. Уголовный кодекс Франции / Науч (yurist-online.org)
6. Қозогистон Республикасининг 12.07.2018 йилдаги 180-ви-сонли Қонуни таҳририда, [хттп://кодексй-кз.ком/ка/уголовнийж_кодекс/43.htm](http://кодексй-кз.ком/ка/уголовнийж_кодекс/43.htm)



O'QUVCHILARGA HUQUQ TARBIYASI BERISHDA TA'LIM (DARS) JARAYONIDA USULLARI

Samandarova Munojat Qahramon qizi

Urganch tumani 19- maktab huquq fani o'qituvchisi

Yuldasheva Hilola Xamid qizi

Urganch tumani 8- maktab huquq fani o'qituvchisi

Annotatsiya: Mazkur maqolada ta'lif (dars) jarayonida o'quvchilarga huquq tarbiyasi berish usullari qobiliyatlarini o'stirish haqida so'z yuritiladi.

Kalit so'zlar: huquqiy Umumjahon deklaratsiyasi, ilm-fan, jamiyatni ,demokratlashtirish

O'zbekiston davlat mustaqilligiga erishgach, ijtimoiy-siyosiy hayotning barcha tarmoqlarini demokratlashtirish yo'liga o'tdi. Jahon tajribasidan ma'lumki, shaxsnинг asosiy huquq hamda erkinliklarini qat'iy himoya qilmasdan va amalda ta'minlamasdan turib, jamiyatni demokratlashtirish mumkin emas. Xalqimizning boy ma'naviy salohiyati, uning tasarrufida bo'lmish ulkan tabiiy boyliklar va texnikaviy imkoniyatlar, mustahkamlanib borayotgan xalqaro aloqalar demokratik rivojlanish hamda inson huquqlariga rioya etilishi uchun zarur shartsharoitlarni bosqichma-bosqich yaratish imkonini bermoqda.O'zbekiston Konstitutsiyasi inson huquq va erkinliklari borasida BMT ning 1948 yilda qabul qilingan « Inson huquqlari Umumjahon deklaratsiyasi» ifodasini topgan qoidalarni yaxlit mushtaraklikda mujassamlashtirib olgan. O'zbekiston Respublikasida barcha fuqarolar bir xil huquq va erkinliklarga ega bo'lib, jinsi, irqi, millati, tili, dini, ijtimoiy kelib chiqishi, e'tiqodi, shaxsi va ijtimoiy mavqeidan qat'iy nazar, qonun oldida tengdirlar. Ma'lumki har bir mavzuga ko'zda tutilgan ma'lumot mazmuni, ya'ni maqsadi belgilanadi.

Bu maqsadlar: a) Ta'limiylar maqsad; b) Tarbiyaviy maqsad; v) Rivojlantiruvchi maqsad. Mavzuni bayon qilish jarayonida shu maqsadlarni ro'yobga chiqarish zarur. Shu ma'noda huquq tarbiyasi berishni ham shu yo'nalishda olib borilsa, huquq tarbiyasi samaradorligi yaxshi bo'ladi. Boshlang'ich sinflarda har bir bola uchun barobar imkoniyatlar va sharoitlarni ta'minlanganligi tufayli insonni o'qitish va tarbiyalashning umumiyligi tizimida (uzluksiz ta'lif tizimida) muhim rol o'yaydi. Shu davrda bolaga singdiriladigan bilim va tarbiya tushunchalari inson shaxsini, dunyoqarashini shakllantirish, uni kamol toptirish darajasini belgilab beradi. Boshlang'ich sinfda o'zlashtirilgan huquqiy bilimlar bu sohadagi ko'nikma va malakalar hamda olingen tarbiya faqat yoshlarning maktabda yoki boshqa o'quv yurtida keyinchalik o'qitish va huquqiy tarbiyalashning asosini emas, balki yetuk insonning amaliy, ijtimoiy faoliyati sifatini, ahloqiy tomonlarini ham ko'rsatadi. Hozirgi ta'lif tizimida boshlang'ich maktab uzluksiz ta'lifning umumiyligi tizimida muhim qism, birinchi, dastlabki qadam hisoblanadi. Shuning uchun boshlang'ich sinflarda beriladigan huquqiy tarbiya juda mustahkam asosga qurilishi kerak bo'ladi. «Fundament mustahkam bo'lsa, bino shuncha pishiq, chidamli bo'ladi» qoidasi asosida ish yuritish kerak. 3-4 sinflarda “Konstitutsiya alifbosи” o'qitiladi. «O'zbekiston respublikasi mustaqillik davrida» mavzusi orqali quyidagicha huquqiy tarbiyani dastlabki tushunchalarini berish mumkin: Mustaqillik xalqimizning ozodlik, hurriyat, erkinlik shabadasidan to'yib-to'yib nafas olish, o'zining haqiqiy erkin, insoniy baxti va istiqbolini yaratish imkoniyatiga ega bo'lisdirdir. Eng muhim huquqlarimiz, erkinliklarimiz tiklandi. Erkin yashash, mehnat qilish, bilim olish, dam olish, o'z mehnatimizning rohatini ko'rish huquqiga ega bo'ldik. Yurtimizda milliy urf-odatlarimiz, an'analarimiz, tariximiz, buyuk olimlarimizning merosi tiklandi. Bularni hech qo'rqmay bajarish, o'rganish, to'ldirish va ko'paytirish huquqiga ega bo'ldik. «O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi» matni. Bunda quyidagilarni gapirib berish mumkin. «Qonun oldida barcha barobar», «Qonun barcha narsadan ustun». Bu gaplar asosida Konstitutsiya bu baxt qomusi ekanligini tushuntiramiz. Kishining kishi omonidan kamsitilishi, xo'rashi, zo'ravonlik qilishga barham beriladi. Qonun yo'li bilan barcha O'zbekiston fuqarolarini huquqlari teng qilib belgilandi. So'z erkinligi, matbuot erkinligi, bilim olish erkinligi, mehnat qilish, istalganda dam olish huquqlari qonun yo'li bilan himoyalananadigan bo'ldi. «Davlat fuqarosi» mavzusida juda muhim huquq tarbiyasini singdirish mumkin. Masalan: Mustaqil O'zbekiston fuqarosi bo'lish bilan faxrlanishi, eng muhim go'zal diyor bo'lgan, serquyosh O'zbekstonning fuqarosi degan nomni tasdiqlovchi fuqaro



pasportiga ega bo’lishdek sharafga tuyg’ulari o’quvchi ongiga yetkaziladi. O’quvchining o’z huquq va mas’uliyatlari tushuntirib beriladi. «Bizning huquqlarimiz va burchlarimiz, yashash huquqi» mavzusida ham olam-olam huquqqa oid tushunchalar berish mumkin. Bunda O’zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 13-moddasi izohlab beriladi: «O’zbekiston Respublikasida demokratiya umuminsoniy prinsiplarga asoslanadi, ularga ko’ra inson, uning hayoti, erkinligi, sha’ni, qadr-qimmati va boshqa daxlsiz huquqlari oliy qadriyat hisoblanadi». Mavzular assosida: A) bilim olish huquqi; B) davolanish huquqi; V) yashash huquqi; G) dam olish huquqi haqida tarbiya beriladi. «Boshqalar huquqlarini hurmat qilish va tabiatni asrash huquqi» mavzusi Bu mavzuda huquq tarbiyasi axloq tarbiyasi bilan bog’langan holda beriladi. O’quvchilarga axloq-odob haqida tushuncha berilib, bu huquq tarbiya bilan bog’lanadi. O’z huquqini yaxshi bilgan o’quvchi jamiyatga, o’rtoqlariga, oilaga, mehnatga bo’lgan munosabatda o’zining yaxshi xulqi bilan ajralib turadi. Mehr-oqibat, sadoqat, samimiylilik, izzat-hurmat, andishalik, vafo-muhabbat, halollik, odamiylik, do’stlik singari yaxshi fazilatlar huquqni yaxshi tushunganlarda namoyon bo’lishini o’quvchilarga yetkazish kerak. Fuqarolar Konstitutsiya va qonunlarga rioxha etishga, boshqa shaxslarni huquqlari, erkinliklari, sha’ni va qadr-qimmatini hurmat qilishga majburdirlar. Bu mavzuda burch haqida ham tushuncha beriladi. Shuningdek, o’qituvchi, Konstitutsiyaning 50-moddasidagi “fuqarolar atrof - tabiiy muhitga ehtiyyotkorona munosabatda bo’lishga majburdirlar” so’zlarini izohlab berishlari kerak. 4-sinfda o’rganiladigan «Konstitutsiya alifbosi» o’quv kursida ham har bir mavzu orqali huquq tarbiyasi beriladi. «Bizning Vatan - O’zbekiston». O’quvchilarga bizning kindik qonimiz to’kilgan joy O’zbekiston ekanligi, u ona Vatan deb ham atalishi, onaga taqqoslash sabablari, ya’ni ona inson uchun eng yaqin, sevimli, mo’tabar zot ekanligini tushuntirib, Vatan ham shunday biz uchun azizligini izohlab beramiz. 1991- yil, 31-avgust kuni O’zbekiston respublikasi mustaqil deb e’lon qilindi. Mustaqillik eng birinchi navbatda huquqlarimizni tiklab berdi. Keyingi “Konstitutsiya – davlatimiz asosiy qonuni” mavzusida bizning barcha faoliyatimiz qonunlar yo’li bilan tartibga solinganligi, ayniqsa, huquqlarimiz, erkinliklarimiz hamda burchlarimiz nimalardan iborat ekani, uning me’yorlari, eng muhim davlat tomonidan himoya qilinishi o’quvchilar qalbiga yetkaziladi.

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 1-ҚИСМ

**Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳих: Файзиев Фарруҳ Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев**

Эълон қилиш муддати: 31.05.2022

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Tel: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000